O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ♦ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 1998 йил 25 апрель, шанба • № 32 (11.015) • Эркин нархда сотилади

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

ФУҚАРОЛАРНИНГ ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Фуқаролар йиғинлари, маҳаллалар раислари ва котибларининг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги фаоллигини, маъсулиятларини янада ошириш ва уларни ижтимоий ҳимоя қилиш ҳамда қўллаб-қувватлаш мақсадида:

1. Фуқаролар йиғинлари, маҳаллалар раислари ва котибларининг маошлари иш ҳақи тўлашнинг ягона тариф сеткаси бўйича 1998 йилнинг 1 майидан бошлаб икки разрядга оширилсин. Маошларни тўлаш билан боғлиқ бўлган харажатлар маҳаллий бюджет ҳисобидан қоплансин.

2. Катта ҳаётий тажрибага ва аҳоли ўртасида алоҳида обрў-эътиборга эга бўлган кишиларни ижтимоий фаолиятга кенг жалб этиш мақсадида 1998 йилнинг 1 майидан бошлаб фуқаролар йиғинлари ва маҳаллаларнинг нафақадаги раисларига нафақалар тўла миқдорда тўлансин. Нафақаларни тўлаш билан боғлиқ бўлган харажатлар пенсия жамғармаси ҳисобидан қоплансин.

3. Мазкур масалаларнинг амалга оширилишини таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Молия, Меҳнат ва Ижтимоий таъминот вазирликлари зиммасига юклатилсин.

4. Фуқаролар йиғинлари ва маҳаллалар Ўзбекистон Республикасининг "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги қонунида белгиланган ваколатларини амалга оширишлари учун Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳри, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари:

— 1998 йилнинг охиригача фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини чуқур таҳлил қилиб, уларга амалий ёрдам бериш тадбирларини жорий этсинлар;

— маҳаллалар ва фуқаролар йиғинлари самарали фаолият кўрсатишлари учун етарли шарт-шароит яратиб бериб, уларнинг асосий фаолиятини аҳолини ижтимоий-сиёсий ҳаётга кенг жалб этишни таъминлашга, маиший-хўжалик, маданий-маърифий масалаларни ҳал қилишга йўналтирсинлар;

— жойлардаги жамоат ташкилотларининг иш фаолиятларини маҳаллалар билан узвий боғланган ҳолда олиб боришни ташкил қилсинлар.

Юқоридаги вазифаларни амалга оширишда шахсан ҳокимларнинг маъсул эканликлари таъкидлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1998 йил 23 апрель.

НАВБАТДАГИ РАТИФИКАЦИЯ

1998 йилнинг 22 апрелида Буюк Британия 1996 йил 21 июнда Флоренцияда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан Ўзбекистон Республикаси ва Европа Иттифоқи давлатлари раҳбарлари ўртасида имзоланган Шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битим Европа Иттифоқининг барча ўн бешта мамлакати парламентлари томонидан ратификация қилинганидан кейин кучга киради ва Ўзбекистон билан Европа давлатлари ўртасидаги ўзаро манфаатли муносабатларнинг чуқурлашишига кенг имкониятлар яратади.

"Жаҳон" АА.

БИР ҚУШИҚ ИЗЛАДИМ ЎЗИНГДАЙ СУЮК...

Тинчлик ва осойишталик барқарор бўлган юртга байрамлар ҳам, қушиқлар ҳам ярашади. Ватанни улуғловчи, баланд руҳ билан куйланувчи миллий куй-қушиқлар эса нафақат санъат намунаси, балки, халқимизнинг қадри ва ғурури ифодаси ҳамдир.

Бир неча йилдан буён мустақил Ватанимизда ўтказилаётган "Ўзбекистон — қўшиқ байрами" кўрик-танлови ўзининг чуқур мазмун-моҳияти билан халқ ичига кириб бора олди ва у табиий равишда анъанавий бўлиб қолмоқда. Буни ҳар йили жойларда ўтказилаётган шундай кўрик-танловлар тобора янги истеъдодларга йўл очаётгани билан ҳам тасдиқлаб турибди.

«Ўзбекистон — қўшиқ байрами»

Ўтган куни вилоятимизда "Ўзбекистон — қўшиқ байрами" танловининг худудий босқичи бошланди. Ангрен шаҳрининг Дукент маданият саройида бўлиб ўтган кўрик-танловда ўзига хос янги қўшиқчилар, шоир ва бастакорлар кашф этилди, десак муболаға бўлмайди. Ангрен ва Олмалиқ шаҳри, Оҳангарон шаҳри ва туманидан худудий кўрикка йўлланма олган ўттизга яқин ижрочи яна бир бор ўз имкониятлари ва истеъдодини синаб кўрди.

— Гарчи бундай танловларни ҳар йили ўтказиб, бироз тажриба орттирган бўлсак ҳам, негадир тадбир жараёнида одам "танловни кўнгилдагидек ўтказа олармикинмиз, биздан ҳам ғолиблар чиқармикин?" деган хаяжон ва масъулиятдан ҳоли бўлолмас экан, — дейди Ангрен шаҳар маданият ишлари бўлими бошлиғи Оқилхон Эшончаев. — Шаҳримизда деярли барча корхона ва ташкилотларда, ўқув юртларида танловнинг дастлабки босқичлари бўлиб ўтди. Ғолиб бўлган етти ижрочимиз эса Ватан ҳақидаги янги қўшиқлари билан бугун худудий кўрикда қатнашмоқда. Мен улардаги ва умуман барча истеъдодли ёшларимиздаги интилишни, Ватанга ва санъатга бўлган меҳрни кўриб қувонаман. Аслида Ватанимизнинг қаддини ҳам, қадрини ҳам юксалтирадиганлар мана шундай ёшлардир.

Кўрик-танловнинг ҳакамлар ҳайъатига республикада таниқли бўлган бастакорлар, шоирлар ва маданият соҳаси мутахассислари сайланган эди. Улар тавсия этилган қўшиқларни, уларнинг савияси, ижро маҳоратини ўрганиб чиқиб, олтита янги қўшиқ ижрочисини вилоят танловига тавсия этди. Улар — Дилноза Исмияминова — Олмалиқ шаҳридан, Шуҳрат Абдураҳимов, Кимёхон Қосимова, Алишер Маматов, Мунисхон Хакимов — Ангрен шаҳридан, Воситхон Комилов — Оҳангарон шаҳри, Комилжон Шодиев — Оҳангарон туманидан.

Мутахассислар ғолибларни аниқлаш билан бирга, ижро этилаётган қўшиқларнинг мазмуни, ижроси, мусиқасининг савияси ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар, тавсияларини айтдилар.

— Мен вилоят кўрик-танловига йўлланма олишимни кутмаган бўлсам-да, бунга эришиш учун астойдил ҳаракат қилган эдим, — дейди оҳангаронлик қўшиқчи Воситхон Комилов. — Бугун менга катта ишонч билдиришди. Гарчи ғолиблар сафида бўлсам-да, ижро этилган барча қўшиқларни қузатиб туриб, ўзимдаги баъзи камчиликларни илғадим. Насиб этса вилоят танловида уларни бартараф этиб, халқимизга манзур бўладиган қўшиқ яратишга ҳаракат қиламан. Қолаверса, биз ижодкорлар учун мана шундай шароит ва имкониятларни яратиб бераётгани учун ҳукуматимизга, кўрик-танлов ташкилотчиларига миннатдорчилигимни изҳор этмоқчиман.

Албатта, санъат йўлидаги интилиш ва изланиш учун яратиб берилаётган бундай имкониятлардан ғурурланмаслик ва ундан фойдаланмаслик мумкин эмас. Ёшидан, касбидан қатъий назар, санъатни эъзозлаган ва ўз истеъдоди билан уни юксалтиришга ҳисса қўшишни ният қилган ҳар бир киши албатта ўз мақсадига эришади. Биз эса улардан бир-бирини такрорламайдиган, халқимизга, қолаверса, бутун дунёга манзур бўладиган "ўз қўшиқларимиз" кўпайишига умид қилиб қоламиз.

Кеча худудий танловнинг навбатдаги босқичи Бўка туманида бўлиб ўтди. Унда Бекобод шаҳри ва тумани, Бўка, Пскент, Ўртачирчиқ туманлари қўшиқчилари ўз ижодлари билан иштирок этдилар.

Зарифа ЭРАЛИЕВА,
«Тошкент ҳақиқати»нинг мухбири.

ВИЛОЯТ ҲАЁТИ

янгиликлар, одамлар, воқеалар

ЯНГИ КОРХОНАНИНГ ЯНГИ МАҲСУЛОТИ

ҚИБРАЙ. Ўзбекистон — Америка — Исроил ҳамкорлиги дастури асосида "Турон—97" масъулияти чекланган жамиятга қарашли сутни қайта ишлаш корхонасининг иш бошлаганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Бироқ ҳозирнинг ўзидаёқ корхонанинг Тошкент шаҳри ҳамда Қибрайдаги савдо дўконларида бу маҳсулотни севиб харид қилувчи мижозлар кўпайиб қолди.

Бунинг боиси бор албатта. Аввало шуни айтиш керакки, корхонага 5 та фермер деҳқон хўжаликлари жамоалари ўз вақтида етарли миқдорда сифатли сут етказиб бермоқдалар. Исроилдан келтирилиб ўрнатилган ускуналар ёрдамида хилма-хил сут маҳсулотлари, жумладан сариёғ, қаймоғ, сузма харидорларга пешма-пеш, нисбатан арзон баҳода етказиб берилаётир. Ҳозирча қўшма корхонада олти киши меҳнат қилмоқда. Кейинчалик корхона кенгаяди. Маҳсулот турлари яна ҳам кўпаяди. Бу ерда иш билан банд бўладиганлар сони ҳам ортади.

Абдулҳамид ФОЗИЛОВ.

ЛОБАРХОН КУЧЛИ ЭКАН...

ЮҚОРИЧИРЧИҚ туманидаги Янгибозор маданият уйида "Энг кучли сухандон" кўрик-танлови бўлиб ўтди. Бу танлов Ўзбекистон Республикаси ёшларининг "Камолот" жамғармаси ҳамда туман халқ таълими бўлимларининг ташаббуси билан ўтказилди.

Танловнинг якуний босқичида саккиз нафар ўқувчи иштирок этди. Қизиқарли ўтган баҳслашувда ўқувчилар 4 та шарт бўйича беллашдилар. Тумандаги 6-ўрта мактаб ўқувчиси Лобархон Ортиқова бу борада тенгдошларидан кучли эканлигини намойиш этиб, ғолиб бўлди. 28-ўрта мактаб ўқувчиси Шуҳрат Худойбергановга иккинчи, 7-ўрта мактаб ўқувчиси Диана Олчинбоевага учинчи ўрин насиб этди.

Кўрик-танловининг мароқли ўтишида туман халқ таълими бўлимининг маънавият ва маърифат бўйича услубиётчиси Дариха Батаеванинг хизматлари катта бўлди.

Латифжон МАНСУРОВ.

ҲАВАСКОРЛАРГА — ГРАН ПРИ

ЧИНОЗ тумани техника ижодиёти маркази бир неча йиллардан буён фаолият кўрсатиб келади. Айниқса, Ўзбекистон халқ таълими аълочиси Абдужалол Раҳимов бошчилик қилаётган фотоҳаваскорлар тўгарагининг иш фаолияти мақтовга сазовордир.

Бу тўгаракнинг истеъдодли ҳаваскорлари Пўлат Раҳимов, Ҳасан Йўлдошев, Мирсаид Мирёқубов ва Илҳом Хўжаҳоновлар суратга олиш назарияси бўйича тест синовларидан муваффақиятли ўтиб, VI-Республика кинофото анжуманида ўз асарлари билан иштирок этдилар.

Куни кеча Чинозга хушхабар келди. Фестивалнинг сурат бўлими ҳайъати тўгарак аъзоларининг "Отахон", "Қишлоқ манзараси", "Ғалати болалар" расмларини олий мукофот Гран прига муносиб деб топди. Бу мукофот тўгарак аъзоларини ғоятда хушнуд этди.

Орзиқул МАЪМУРОВ.

ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ЯХШИЛАНМОҚДА

ЯНГИОБОД автокомбинати жамоаси транспорт хизмати кўрсатишни муттасил кенгайтирмоқда. Красногорскда корхонанинг янги автожамламаси иш бошлади. Бу пул тушумлари бўйича белгиланган режаларнинг ортиғи билан бажарилишига олиб келди.

Ўтган йили бундай маблағ 155 миллион 527 минг сўмни ташкил этди. Бу режада назарда тутилганидан 7 миллион сўмдан кўпроқдир. Жорий йилнинг биринчи чораги топшириқлари ҳам ортиғи билан адо этилди. Қўшимча ярим миллион сўмлик атрофида транспорт хизмати кўрсатилди. Ҳар куни юзтадан ортиқ автобус, юк машиналари турли йўналишларда хизмат кўрсатишга чиқмоқда.

Ҳайдовчиларнинг кўпчилиги кунлик топшириқни ортиғи билан адо этяпти. Эшмурод Маматов, Андрей Попов, Абдулазиз Мадраҳимов, Аҳмаджон Одинаматов, Каримқул Ҳайиткулов ва бошқа ўнлаб транспортчилар унумли ишлаяптилар. Улар Наврўз байрами муносабати билан маъмуриятнинг фахрий ёрлиқлари ва пул мукофотлари билан тақдирландилар.

Теша ШЕРАЛИЕВ,
"Тошкент ҳақиқати"нинг жамоатчи мухбири.

Таҳририятга мактуб

ПОКЛИК — ИММОННИНГ ҲАМРОҲИДИР

Озодалик — бу дили равшанликдир. Иймон-эътиқодли, ор-номусли, меҳр-мурувватли халқимиз бу масалага доимо катта эътибор бериб келган.

Бу бежиз эмас, албатта. Дейдиларки, поклик, тозалик бор ерда қут-барака бордир. Тозалик — саломатликнинг асосидир. Ота-боболаримиз ўз зурриётларига, неварачевараларига бу ҳақда панд-насиҳат қилиб келганлар. Уларни саришталикка ундаганлар. Фарзандлар уларнинг гапларини икки қилишмаган.

Қадимда ҳар бир хонадонда ҳовлининг четроқ ва ҳеч кимга зарари тегмайдиган еридан қудуққа ўхшатиб иккита ўра ковлатиб қўйилар, улардан бирига ахлат ташланса, иккинчисига мағзава тўкиларди. Хонадонларда чиқиндиларнинг умуман кам бўлганлиги сири ҳам шундадир. Бу уй бекаларининг меҳнатини анча енгиллаштирган. Улар эрта тонгдан ҳовли ва кўчаларни супуриб-сидириб, ёғ тушса ялагудек қилиб қўйишга одатланганлар. Афсуски, бу яхши анъаналар ва удумлар унутиб юборилаётганга ўхшайди. Тўғри, замон ўзгарди, одамларнинг онги янгиланди. Лекин бу ота-боболаримиздан қолган удумларни, яхши ишларни унутишига сабаб бўлолмайди-ку.

Айрим ҳудудлар, кўчалар, майдонлар олдидан ўтсангиз, дилингиз хира тортади. Ахлат уюмлари сочилиб, бадбўй ҳид тарқатиб, ҳавони бузаётганлиги наҳотки шу атрофда яшайдиган одамларнинг ғашига, иззат-нафсига тегмаса! Бундай нохуш холатларни кўп қаватли уйларнинг ҳовли қисмларида ҳам кўришингиз мумкин. Ахир ахлат ташийдиган машиналар келиб туради, махсус жойлар қилиб қўйилган-ку! Нега бу қулайликлар, бу енгилликдан фойдаланишни суиистеъмол қиламиз?!

Қадимда бунақанги кўп чиқинди — ахлат бўлмасди. Бугун уларни одамларнинг ўзлари сунъий равишда кўпайтирмоқдалар. Йиғиб қўйиб, алоҳида идишларда сақлаб, чорваси бор одамларга бериб юборилиши мумкин бўлган пўчоқлар, ҳар хил озиқ-овқат чиқиндилари, эскириб қолган сабзавотлар, ҳатто, нон баъзида ахлатларга қўшиб юборилаяпти. Уволидан қўрқмаймизми?

Бу ҳам майлия, ҳатто айрим хонадонлар ифлос оқавани қувур орқали одамлар, машиналар ўтадиган кўчага, баъзилар эса зилол сувларга оқизиб қўймоқдалар. Бу катта гуноҳ-ку! Бунга қандай қилиб уларнинг виждони йўл қўймоқда.

Баъзан туппа-тузук ҳовли-жойи, томорқага эга бўлган хонадонлар олдидан ўтиб қолсангиз, шундоққина кўча муюлишида чорва гўнгини ахлатга тўкиб, уюб қўйганини кўрасиз. Эринчоқлик шу қадарми? Гўнгни чиритиб, экинга озуқа сифатида фойдаланса бўладику!

Ана шулар ҳақида ўйлар эканман, яқинда Президентимизнинг "Санитария қонун-қоидаларини бузганлиги учун жавобгарликни кучайтириш ҳақида"ги фармони айни муддао бўлди, деб ҳисоблайман. Бу фармоннинг ижроси учун курашиш, ҳамма ерда озодаликка, тозаликка риоя этишни таъминлаш, сиз билан бизнинг, ҳаммамизнинг ишимиз, деб ўйлайман. Энди айрим уйқуда ётганларнинг уйқуси қочиб, кўзлари очилишига ишонамиз.

М. МУРОДОВ,
Олимкент.



СУРАТДА: Уста Суннатилла саватларни намойиш қилмоқда.

Тўлқин КАРИМОВ сурати.

ХАЛҚ ҲУНАРИ -ЎЛМАС САНЪАТ

ҚЎЛИ гул уста қўлидан чиққан ҳар қандай ҳунармандчилик ашёлари гўзал ва бетакрор бўлгандагина одамлар қалбига қувонч бахш этади. Шарқона ҳунар турлари бизда жуда кўп. Сўнгги йилларда Юртбошимиз ва ҳукуматимиз шафелигида анъанавий ҳунармандчилик соҳалари қайта тиғилди. Шаҳарларга, туманларга, қишлоқларга, маҳаллаларга қадам ранжида қилсангиз ана шундай савобли саъй-ҳаракатнинг гувоҳи бўлишингиз мумкин.

Бўстонлиқ туманида Қўшқўрғон деган бир қишлоқ бор. У ерда истиқомат қилаётган солиҳ кишилар ҳам кейинги йилларда аждодларимиздан мерос бўлиб қолган ўлмас санъат — анъанавий ҳунармандчилик турларини ривожлантиришга ўзгача меҳр билан киришдилар. Етмиш ёшли Суннатилла Асомиддинхўжа ўғли ҳам ўшандай ишқибозларнинг бири. У жамоа хўжалигида 40 йил механизаторлик қилди. Нафақага чиққанидан буён эса нодир касб — саватчилик билан шуғуллана бошлади. Узоқ-яқиндан келган одамлар унинг маҳсулотларини ажиб бир қараш билан томоша қиладилар. Тўй-маъракаларда яхшиликка ярасин, деб буюртмалар берадилар. Суннатилла ота айни кунларда ўз касбига фарзандларини, қўшни оилаларнинг болаларини бажонудил ўргатмоқда. Раҳмат, сизга, саватчи бобо!..

Абдураҳим УМАРБЕКОВ.

Бизнинг шарҳ

БАРВАҚТ ЭКИШ — ИШНИНГ БОШЛАНИШИ, ХОЛОС

Вилоят хўжаликларида салкам 50 минг гектар ердаги чигит униб чикди

Ҳозирги энг муҳим вазифа қолган майдонлардаги уруғликни ҳам тез ва бехато ундириб олишдан иборатдир. Айни кунларда вилоят ва туманларнинг қишлоқ ва сув хўжаликлари бошқармалари мутахассислари, тажрибали ҳосилотлар ва уста деҳқонлар иштирокида ҳар бир туманда тузилган комиссия аъзолари жойлардаги мавжуд аҳвол билан атрофлича танишиб, тегишли маслаҳат ва амалий ёрдам бермоқдалар. Олди хўжаликларда ғўза қатор ораларига дастлабки ишлов бериш ҳам бошлаб юборилди. Бу борада Янгийўл туманида амалга оширилаётган тадбирлар эътиборга лойиқ. Тумандаги Абдулла Ортиқов номли, "Тинчлик", Назарали Ниёзов номли, "Янги ҳаёт" ширкат хўжаликларида чигит тўлиқ ундириб олинди. Туман хўжаликларида кунига 100-120 гектар майдонда культивация ўтказилмоқда. Бекобод, Оққўрғон, Чиноз туманлари хўжаликларида ҳам оилавий пудратчилар ва фермер хўжаликлари ишловни жадал давом эттирмоқдалар.

Далаларга чигит суви бериш ҳам шу куннинг энг муҳим вазифаси бўлиб қолаяпти. Зеро, уруғни тўла ундириш, ниҳолларни сақлаб қолиш ана шу иш билан боғлиқдир. Бу вазифа энг тажрибали сувчиларга топширилган бригадаларда иш сифатли олиб борилмоқда. Бекобод туманидаги "Деҳқонобод", "Авангард" ширкат хўжаликларида бу иш яхши ташкил этилмоқда. Ана шундай тажрибани барча хўжаликларда ҳам кенг ёйиш керак. Шу жумладан, ҳар 50 гектар экин майдонига 2 тадан культиватор ажратилган хўжаликларда ҳам ниҳолларга ишлов бериш сифатли ва маромида бораяпти.

Бироқ, шу билан бирга чопиқ пайтида эҳтиётсизлик қилиб ниҳолларнинг илдизига шикаст етказилаётганлиги ҳақидаги маълумотлар ҳам келиб турипти. Тажрибали мутахассисларнинг маслаҳати шуки, биринчи ишловни ниҳоятда эҳтиёкорлик билан ўтказиш лозим. Чунки илдизи шикаст еган экинни маромига етказиб олиш ниҳоллар ривожланишини 10—15 кун кечиктиришга олиб келади.

Деҳқончиликда барвақт экиш мўл ҳосил етиштиришнинг дебочаси ҳисобланади. Энди ҳамма гап уруғни қисқа фурсатда тўла ундириб олиш, суғориш, ишловни оқилона ташкил этишда қолди. Шундай экан, жойлардаги мутахассислар ва раҳбарлар бу тадбирларни мавжуд шарт-шароитни ҳисобга олиб ташкил этишлари зарур бўлади.

Ҳуқуқий сабоқлар

ҚОНУН — ФУҚАРО — БУРЧ

ЎЗБЕКИСТОН мустақилликка эришган биринчи кундан демократик ҳуқуқий давлат қуриш йўлидан бормоқда.

Президентимиз Ислом Каримов ушбу буюк мақсадга эришиш учун белгилаб берган тамойиллардан бири — Қонун устуворлигидир. Бу тамойил бежиз белгиланмаган, чунки, қонун устуворлигига эришмай туриб, тўла маънода демократик — ҳуқуқий давлат қуриб бўлмайди.

Қонун устуворлиги дегани, фақат қонунни билиш эмас, балки, фуқароларнинг, қандай мансабни эгаллашидан қатъий назар, қонунни ҳурмат қилиши, унга оғишмай амал қилишидир.

Шу сабабдан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси 1997 йил 29 августда "Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури"ни қабул қилди. Дастурда, жумладан "Қонунчилик тизимини такомиллаштириш билан бир қаторда қонунларнинг ҳаётга аниқ ва изчил тадбиқ этилишига, уларга қатъий ҳамда оғишмай риоя қилинишига эришиш зарур. Ҳар бир давлат органи, мансабдор шахс ва инсон қонунга бўйсуниш мажбуриятидан озод қилиниши мумкин эмас", — деб белгиланган.

Демак, қонун устуворлигини таъминлаш учун фуқароларни қонунларга итоаткорлик руҳида тарбиялаш, ҳар кимда қонунга ҳурмат туйғусини шакллантириш зарур.

Қонунларнинг ҳамма жойда бир хилда бажарилишини таъминлаш учун Адлия вазирлигига қонунларни тушунтириш вазифаси юкланган. Президент фармонига асосан Тошкент Давлат юридик институти ҳузурида "Ҳуқуқий маърифат тарғибот маркази" ташкил қилинди.

Мазкур вазифани адо этиш мақсадида Тошкент вилоят адлия бошқармаси ходимлари, бошқа қонунлар қатори "Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида"ги қонунни тушунтириш борасида ҳам қатор тадбирларни амалга оширди.

Ушбу Қонун 1991 йилда қабул қилинган бўлиб, фуқароларнинг виждон эркинлигини кафолатлайди. Собиқ Совет Иттифоқи даврида бундай қонун умуман қабул қилинмаган. Диний масалалар СССР эмас, балки, РСФСР МИК ва ХКСнинг 1929 йил 8 апрелдаги "Диний уюшмалар тўғрисида"ги Қарори билан тартибга солиб турилган, халос.

Бундай қонуннинг йўқлиги сабабли, "Жанговор атеизм"нинг тазйиқи остида, динга қарши курашда жуда қўпол усуллар қўлланилди. Тарихий, маъмурий бинолар, динга оид буюмлар, араб ҳарфида битилган ёзма ёдгорликларимиз йўқ қилинди.

Мустақиллик шарофати билан миллатимизнинг урф-одатлари, қадриятларимиз, дину эътиқодимиз тикланди. Улар эъзозланмоқда ва улуғланмоқда, халқимизга муқаддас масканлар, масжиду мадрасалар, тарихий обидалар қайтариб берилди.

Асосий қонунимиз — Конституциянинг 31-моддасида: "Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди", — деб белгиланган.

Динимизга монеълик қилиш, шаккоклик қилиш, динимизни юракда сақламаслик — давлатимиз олиб бораётган сиёсатга бутунлай зиддир.

Диний ташкилотлар ва бирлашмалар давлатдан ажратилган ҳолда қонун олдида тенгдирлар. Давлат диний бирлашмаларнинг қонуний фаолиятига аралашмайди.

Лекин, минг афсуски, яратилган имкониятларга қарамасдан "Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида"ги қонун талабига риоя қилмай, фаолият юритаётган диний ташкилотлар мавжуд. Баъзан диний сабоқ бериш талабини қўпол равишда бузиб ўқитиш, махсус диний маълумотга эга бўлмаган имомларнинг диний ақидаларни нотўғри талқин қилиши қўнгилсиз ҳолларга олиб келмоқда. Натижада, баъзи фуқароларимизнинг экстремистик "Ваҳҳобий" оқимига қўшилиб қолаётгани ҳеч кимга сир эмас.

Қонунга асосан Ўзбекистонда диний руҳдаги партия, бошқа давлатда ташкил этилган диний партияларнинг бўлимлари, ҳарбийлаштирилган ва қуролли тузилмалар ҳисобланган жамоат бирлашмалари тузиш таъқиқланади.

Шунингдек, фаолияти жамиятнинг ахлоқий негизларини, инсонпарварлик қадриятларини бузишга қаратилган, конституцион тузумни ғайри қонуний йўл билан ўзгартириш, давлат ҳудудини бузиш, урушни, зўравонликни ва шавқатсизликни, жамиятни парчалашга олиб борадиган ижтимоий, синфий, ирқий, миллий ва диний адоватни тарғиб қилувчи, қонун билан таъқиқланган бошқа ҳатти-ҳаракатлар қилиш мақсадини кўзлайдиган жамоат бирлашмаларининг тузилишига ва фаолият юритишига йўл қўйилмайди.

Қонун талабларини бузаётган шахслар эса тегишли тартибда маъмурий ва ҳатто, жиноий жавобгарликка тортилиши амалдаги қонунларда белгилаб қўйилган.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси "Маъмурий жавобгарлик тўғрисида"ги Кодексининг 240-моддасида "Диний ташкилотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш", 241-моддада эса "Диний таълимотдан сабоқ бериш тартибини бузиш" учун маъмурий жавобгарлик белгиланган бўлса, Жиноят Кодексининг 216-моддасида "Фаолияти таъқиқланган жамоат бирлашмалари тузиш ёки унинг фаолиятида қатнашиш", 145-моддасида "Фуқароларнинг ўз фуқаролик ҳуқуқларини амалга оширишлари ёки фуқаролик бурчларини бажаришларига тўсқинлик қиладиган тарзда диний фаолият юритиш ёки диний маросимлар ўтказишни ташкил этиш", 156-моддада эса "Миллий, ирқий ёки диний адоват қўзғатиш" учун жиноий жавобгарлик белгиланган. Шунингдек содир этилган ҳаракатга қараб, бошқа маъмурий ва жиноий жавобгарликлар кўзда тутилган.

Амалда бу жавобгарлик меъёрлари қўлланиляптими? Фуқаролар юқорида кўрсатилган ҳаракатлар учун жавобгарлик белгиланганидан хабардорми? Бу саволларга жавоб топиш мақсадида вилоятнинг туман ва шаҳар судлари томонидан 2 йилда кўрилган ишлар таҳлил қилиниб, умумлаштирилди.

Қонун амалда ҳаётга тадбиқ қилинса, унинг таъсир кучи бўлади, акс ҳолда қабул қилинган ҳолда қолиб кетади.

Шу сабабдан, ички ишлар бўлимлари ходимларининг эътиборини бу муҳим масалага қаратиш мақсадида, 1997 йил 13 декабрда вилоят ИИБ ўтказган тезкор йиғилишда иштирок этилди. Йиғилишда туман ва шаҳар ИИБ бошлиқларининг жиноятнинг олдини олиш бўйича ўринбосарлари, участка вакиллари, вояга етмаганлар билан ишлаш нозирлиги ходимлари қатнашди. Уларга "Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида"ги қонун моҳияти, вазифаси, диний ташкилот тузиш ва адлия идораларидан низомни рўйхатдан ўтказиш, диний сабоқ бериш тартиби, қонун бузилганда юзага келадиган оқибатлар ва жавобгарлик, диний экстремистик оқимлар каби масалалар тушунтирилди.

Сўнгра, Тошкент вилоят ҳокимлиги ва ИИБ билан ҳамкорликда 27, 28, 29 декабрь кунлари Бўка, Янгийўл ва Қибрай туман ҳокимлиги биносида мазкур масала бўйича туманлараро бир кунлик йиғилишлар ўтказилди. Йиғилишда ҳокимларнинг ижтимоий масала бўйича ўринбосарлари, ИИБ бошлиқлари, фуқаролар ўзини-ўзи бошқарув йиғинлари раислари, рўйхатдан ўтган ва ўтмаган барча масжид имомлари қатнашди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари қўмитаси, Ўзбекистон Мусулмонлар идораси, вилоят "Маҳалла" жамғармаси ходимлари жалб қилинди.

Йиғилишда қонун талаблари, бурч ва мажбуриятлар, иймон ва эътиқод ҳамда диний масалаларга оид зарур фикрлар билдирилди. Қонунга риоя қилиш, қонун бузилганда юзага келадиган жавобгарликлар тушунтирилди.

Вилоятда мавжуд бўлган масжидлар ўрганиб чиқилди ва уларнинг рўйхати тузилди. Натижада, вилоятда жами 675 та масжид мавжудлиги, улардан фақат 84 та жомеъ масжидлари адлия бошқармаси рўйхатидан ўтгани, қолган 591 таси маҳалла ва қишлоқ масжидлари бўлиб, рўйхатдан ўтмай фаолият юритаётгани, 640 та масжидда имом-хатиблар бўлиб, улардан 68 таси ёки 10 фоизга яқини махсус диний маълумотга эга эканлиги аниқланди. Рўйхатдан ўтмаган диний ташкилотлар фаолияти вақтинча тўхтатилди.

Ўзбекистон Мусулмонлар идораси раиси, муфтий Абдурашид қори Баҳромов 1998 йил 8 январда "Овоз кучайтиргичлардан фойдаланиш Ислом арконларига мувофиқ эмаслиги ҳамда жамоат осойишталигини бузишга барҳам бериш мақсадида масжидларга ўрнатилган овоз кучайтиргичлар олиб ташланиши ҳақида" 6-сонли фатво чиқардилар.

1998 йилнинг 3 ойи мобайнида ички ишлар бўлимлари ходимлари фаолиятида сезиларли ўзгаришлар бўлди. Натижада, 16 та фуқаронинг диний маълумотга эга бўлмай, махсус рухсатномасиз ўз уйларида ҳужра очиб, диний сабоқ бердаётгани аниқланди. Улар 241-моддага асосан суд қарори билан маъмурий жавобгарликка тортилди.

Жумладан, Янгийўл туманида яшовчи фуқаролар З. Ўтанбоев, А. Мирзакаримов, О. Жўраев ва бошқалар 2000 сўм миқдорида жарима тўладилар.

Турли диний — экстремистик ғояларни илгари сурган, масжидларда ва бошқа жамоат жойларида ҳуқуқбузарлик содир қилган 52 нафар шахс аниқланиб, суд қарори билан маъмурий жавобгар бўлдилар.

Масалан: Тошкент шаҳрида яшовчи М. Мирахмедов, Ф. Нурмуҳамедов, З. Ғозиев, М. Мирбобоев ва Д. Ариповлар Тошкент тумани "Ҳасанбой" қишлоғидаги касалхонада диний даъват билан шуғуллангани ва милиция ходимига қўпол муомалада бўлгани учун тегишли маъмурий жавобгарликка тортилдилар.

Бундан ташқари, 1997 йилда муқаддам низоми рўйхатга олинган диний ташкилотлар ҳужжатини қайта ўрганиш ҳамда низомий фаолиятни текшириш давомида аниқланган хато ва камчиликларни бартараф қилиш, қайта рўйхатдан ўтказиш ҳақида огоҳнома хати берилди. Натижада, 25 та диний ташкилот қайта рўйхатдан ўтиш ҳақида ариза билан мурожаат қилди. Улардан 20 таси (5 таси христиан динига оид) қайта рўйхатга олинди, 3 та ариза қаноатлантирилмай, оқибатсиз қолдирилди ва 2 та ариза кўриб чиқилмоқда.

Рўйхатдан ўтган диний ташкилотларга қонун ва ўз низоми талабига мувофиқ фаолият юритиши, Адлия бошқармасига иш режаси, маблағ билан таъминланиш ва сарф-харажати, фаолияти тўғрисида ҳисобот, раҳбарият аъзолари ва юридик манзилгоҳи ўзгарганда маълумот бериб туриши ҳақида мажбуриятнома топширилмоқда. Мажбуриятномада бу ҳужжатларни тақдим қилиш муддатлари кўрсатилган.

Чунки, диний ташкилотлар 1992 йилдан бошлаб рўйхатдан ўтиб, қайтиб Адлия бошқармасини кўрмаган. Раҳбари, юридик манзилгоҳи ўзгарани ҳақида ҳам Адлия идораларига маълум қилмаганлар. Ваҳоланки, Адлия идоралари фақат рўйхатга олувчи эмас, балки, низом фаолиятини назорат қиладиган орган ҳамдир.

Натижада, Адлия бошқармаси ва рўйхатдан ўтган диний ташкилотлар ўртасида ўзаро узвий алоқа ўрнатилди. Диний ташкилот раҳбарларида эса масъулиятни сезиш туйғуси пайдо бўлмоқда.

Хулоса шуки, қонун устуворлигини таъминлаш фақат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимларининггина эмас, балки, барчамизнинг шарафли бурчимиздир.

Бахтиёр АТАМАТОВ,
вилоят Адлия бошқармаси бошлиғининг ўринбосари.

Олий Мажлис сессияси олдидан

ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИЛСА...

ОИЛА — муқаддас даргоҳ. У қанча етук, баркамол, иноқ ва файзли бўлса, бу жамиятнинг бахти, ютуғи. Шу жиҳатдан олганда умумхалқ муҳокамасига ҳавола этилган "Оила Кодекси" лойиҳаси муҳим аҳамият касб этади. Унда оила тузишдан бошлаб эр-хотиннинг турмуш кечириш жараёнларига тааллуқли барча ҳолатлар, ота-оналарнинг оиладаги ўрни, болаларга бўлган муносабатлари, фарзандларнинг ота-оналари олдидаги бурчлари батафсил ўз ифодасини топган.

Лойиҳа илгари мавжуд бўлган "Оила тўғрисида"ги қонунда акс этмаган янги моддалар билан тўлдирилганлиги яъни шарқона ҳаёт тарзимиз, урф-одатимиз, инсоний фазилатларимиз унда ҳисобга олинганлиги, айниқса, бизга маъқул бўлди.

Шу билан биргаликда лойиҳани ўқиб чиққач, унинг қатор моддаларига ўзгартишлар киритилса яхши бўларди, деган истак пайдо бўлди. Масалан, бу ҳужжатнинг 11 бўлими 15-моддасида "Никоҳ ёши эркаклар учун 18 ёш, аёллар учун 17 ёш этиб белгиланади" дейилган.

Маълумки, мамлакатимизда "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"га кўра узлуксиз таълим 12 йилдан иборат бўлмоқда. Шундай экан, ўқув жараёни тўйлар ёки тўйдан кейин келиннинг ҳомиладорлик таътилига чиқиши туфайли узилиб қолмаслигини ҳисобга олиб, "Никоҳ ёши эркаклар учун 20 ёшдан, аёллар учун 19 ёшдан" деб белгиланса, мақсадга мувофиқ бўларди. Бу жумлада "эркаклар" сўзини "йигитлар", "аёллар" сўзини "қизлар" деб ўзгартириш ҳам ўринли бўлса керак.

Лойиҳанинг 17-моддаси янгилик сифатида киритилганлиги билан эътиборга лойиқ. Ҳақиқатдан ҳам оила қуришда "Никоҳланувчи шахслар саломатлигини тиббий кўрикдан ўтказиш, шунингдек, тиббий-ирсий ҳамда оилани режалаштириш масалалари бўйича маслаҳат бериш никоҳланувчи шахсларнинг розилиги билан давлат соғлиқни сақлаш тизими томонидан амалга оширилади", дейилган. Бу қоидада "розилиги билан" сўзлари ўрнига "мажбурий тарзда" сўзларини қўллаш керак, деб ўйлаймиз. Чунки, гап соғлом авлод, келажагимиз хусусида бормоқда. Агар ёшларнинг "розилиги билан" тиббий кўрик ўтиш ташкил қилинса, натижа ҳамма вақт ҳам биз кутгандек бўлмаслиги мумкин. Зеро, бу ишга рози бўлмайдиганлар ҳам топилиши эҳтимолдан ҳоли эмас.

Мазкур лойиҳани ўқир эканмиз, IX бобнинг 58-моддасида "Эр-хотиннинг илгариги никоҳидан бўлган болалари ўзаро қариндош ҳисобланмайди" деган жумлага дуч келдик. Бизнингча, бу ўринсиздек туйилди. Бордию келажакда бу болалардан кимнингдир меросхўрлиги хусусида ўйлаб, бу жумла ёзилган бўлса, унда ана шу моддага қонуний асосда аниқлик киритилиши керак. Лекин, юқоридаги ҳолатда жумла чигалроқ чиққанга ўхшайди. Ҳаётда эса эр-хотиннинг илгари никоҳидан бўлган болалари ака-ука, опа-сингиллардек бўлиб кетишгани ҳақида мисоллар кўп.

Биз туман хотин-қизлар фаоллари йиғилишида бўлиб ўтган муҳокамалар чоғида шунга ишонч ҳосил қилдикки, лойиҳани тайёрлашда малакали мутахассислар, бой турмуш тажрибасига эга бўлган жамоатчилик вакиллари кўп меҳнат қилишган. Мазкур ҳужжатда оила билан боғлиқ жиҳатларни иложи борича кенгроқ қамраб олишга бўлган интилиш яққол сезилиб турибди.

Гўзал ҒОПУРОВА,
Яккасарой тумани хотин-қизлар қўмитасининг раиси, ҳоким муовини.

ОЛИЙГОҲДА МУҲОКАМА

ТОШКЕНТ Давлат юридик институтида "Оила Кодекси" лойиҳасига бағишлаб анжуман ўтказилди. Мазкур ўқув муассасалари, Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқий маърифат тарғибот маркази ҳамда Тошкент шаҳар адлия бошқармаси "ОИЛА — ЖАМИЯТ ТАЯНЧИ" деб номланган бу тадбирнинг ташаббускорлари бўлдилар.

Анжуманда ҳуқуқшунос олимлар, Республика Олий суди судьялари, адвокатлар, нотариал идоралар ходимлари, ФҲДЁ бўлимлари мудирлари иштирок этдилар.

Институт ректори Ҳалимбой Бобоев йиғилишни кириш сўзи билан очди. Сўнгра иштирокчилар "Давлат, жамият, оила", "Суд амалиётида Оила Кодекси маромларини қўллаш масалалари", "Никоҳдан ажралиш муаммолари", "Ота-она ва фарзандлар ўртасидаги ҳуқуқий муносабатлар", "Аёл ва оила", "Оила Кодекси" лойиҳасининг янги жиҳатлари", "Оила Кодекси лойиҳасида нафақа масалалари", "Оила Кодекси лойиҳасида аёллар ҳуқуқлари" мавзуларида маърузалар тингладилар.

Йиғилиш сўнггида Кодекс лойиҳаси бўйича таклиф ва мулоҳазалар умумлаштирилиб, Республика Олий Мажлисига тавсия этилди.

Муҳаммади УСМОНОВ.

ДАВР ИШ БИЛГАННИКИ

• Маҳсулот ишлаб чиқариш бир ярим баравар кўпайди • Ҳорижликлар ҳам мижоз бўлмоқдалар • Сифати яхшиланиб, рақобатбардошлиги кучаймоқда • Шартномалар — ҳамкорлик асоси

"БЕКОБОДЦЕМЕНТ" ҳиссадорлик жамияти жамоаси янги хўжалик йилини яхши бошлади, фаолиятининг самарадорлиги ой сайин ошиб бормоқда. Ваҳоланки, ўтган йилнинг биринчи ярмида иш кўрсаткичлари кескин пасайиб кетган эди. Корхона раҳбарининг ўзгариши, амалга оширилган ташкилий-техникавий чора-тадбирлар туфайли бундай ҳолатга барҳам берилди. Эндиликда барқарорликка эришилиб, юксалиш сари ишонч билан одим ташланяпти.

Цементчиларнинг жорий йилнинг икки ойидаги фаолияти натижалари ҳам шундан далолат бериб турипти. Ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йилдагига нисбатан бир ярим баробар кўпайди. Бошқа кўрсаткичлар ҳам сезиларли даражада ортди. Жамият бошқарувининг янги раиси У. Дадабоев билан суҳбатимиз ҳам корхонада амалга оширилаётган ишлар хусусида бўлди.

— Умар Юсупович, қисқа муддат ичида йирик хўжалик тизимини "оёққа" турғазиш осон кечмаган бўлса керак?

— Албатта, осон бўлмади. Кўпдан-кўп муаммоларни ҳал қилишга тўғри келмоқда. Маълумки, ўтган йилнинг биринчи ярмида корхонада маҳсулот ишлаб чиқариш деярли тўхтаб қолган, вазият анча кескин эди. Бу Республикамиз қурилиш материаллари саноатининг етакчи, байроқдор корхонаси учун ярашмасди.

Унинг шуҳратини тиклаш лозим эди. Ростини айтсам, мени раҳбарликка тайилашмоқчи бўлишганида дарров кўнмадим, иккиландим. Бироқ ишончни ҳам рад этмаслик керак эди. Кўп миллатли жамоанинг аҳиллигини, кўп нарсаларга қодир эканлигини билардим. Шуни ҳисобга олиб рози бўлдим.

Ҳиссадорлар билан биринчи учрашувдаёқ бу ерда таркиб топган аҳволни чуқур таҳлил қилдик. Уларга корхона равнақи йўлида ҳаммамиз биргаликда жон куйдиришимиз, барча имкониятларни ишга солиш, ундан тўғри фойдалана олишимиз кераклигини тушунтиришга ҳаракат қилдим. Ҳар бир ишчи ёки раҳбар томонидан билдирилган фикр-мулоҳазалар, киритилган таклифлар синчиклаб ўрганилди, мавжуд муаммоларни ечиш устидан назорат кучайтирилди. Нима бўлса ҳам ҳиссадорларда юксалишимизга ишонч уйғотиш керак эди. Шукурлар бўлсинки, ончалик бўлмаса ҳам корхона ишини муайян даражада яхшилашга эришилди.

Шундан кейин, ҳодимлар

Ҳиссадорлик жамиятларида

билан ҳар томонлама шуғулланишга киришдик. Чунки ишнинг кўзини билмаган, фақат хизмат доираси билангина чегараланиб қолган бошликдан нимани ҳам кутиш мумкин? Хўжаликнинг молиявий киримчиқим ҳисоб-китобларида аниқлик эмас, чалкашликлар вужудга келганлиги туфайли ҳисоб бўлими бошлиғи вазифасидан четлаштирилди. Шунингдек таъминот бўлимида ҳам ўзгаришлар бўлди. Жисмоний соғломлаштириш маркази раҳбарияти тез орада ишни қайта ташкил эшиши лозимлиги тўғрисида огоҳлантирилди. Маданий-маиший коммунал хўжалик соҳаларида ишлаётганлар сонини юз нафарга қисқартиришни бошладик. Лекин бу ишчилар, албатта, комбинатдан кетишмайди, уларни ишлаб чиқаришга, янги ташкил этилган иш жойларига жалб қилиш кўзда тутилмоқда.

— Ишлаб чиқариш кўрсаткичларига ҳам тўхталиб ўтсангиз.

— Ҳиссадорларимизнинг корхонани қолоқликдан чиқаришга қаратилган саъй-ҳаракатлари зое кетмаяпти. Ўзингиз яхши биласиз, ўтган йилнинг биринчи ярим йиллигида хом ашё йўқлиги сабабли асбоқувур умуман тайёрланмаган эди. Чимкентлик дўстларимиздан "Узқурилишматериаллари" компанияси ёрдамида 90 миллион сўмлик хом ашё олишга муваффақ бўлдик. Ноябрь ойининг охирларида асбоқувурлар ишлаб чиқариш линияси яна ишга туширилди. Натижа ёмон бўлмади. Бир ой ичидаёқ 23 шартли километр узунликда шундай маҳсулот тайёрланди. Иккинчи ярим йилликда 178 минг тонна цемент (биринчи ярим йилликда 114 минг тонна эди) тайёрланди. Шифер эса деярли икки баравар кўп ишлаб чиқарилди. Жорий йилнинг январь ойида сал қийналдик. У ҳам бўлса газдан кредитор қарзларни узолмаганлигимиз сабабли маҳсулот тайёрлашда узилиш рўй берди. Шунинг учун ҳам 26 минг тонна цемент, 2 минг шартли тахта шифер, 20 шартли километр асбоқувур тайёрланди.

Ҳозир газ муаммоси ижобий ҳал қилинди, аммо темир йўл масаласида тўсиқлар бор. Тайёрланган маҳсулотларни жўнатиш учун вақтида вагонлар берилмаяпти. Чунки, темир йўл хизмати учун кредитор қарзлар тўпланиб қолган. Муаммони ҳал қилишга ҳаракат қилинаяпти. Йил бошига келиб жамиятда тўпланиб қолган 150 миллион сўмлик тайёр маҳсулот темир йўл билан ҳамкорлигимиз юришиб кетгач анча камайди. Ҳозир ҳам 82 миллион сўмлик маҳсулот омборларда ётипти. Унинг 26,3 миллион сўмлигини меъёрдан ортиқ туриб қолгани ташкил этади. Бу маҳсулотларни ҳам буюртмачиларга тезроқ жўнатиш чора-тадбирларини кўраяпмиз.

— Корхонадаги асбоб-ускуналар ва мосламалар анча эскирган. Уларни янгилари билан алмаштириш, такомиллаштириш бўйича қандай тадбирлар кўриляпти? Дарвоқе, қадоқлаш линиясининг "тақдири" ҳал қилиндими?

— Ҳозир фойдаланилаётган асбоб-ускуналар анча эскирган. Асбоқувурлар линиясини қайта ишга туширишдан аввал кўпгина қисмлари алмаштирилди, қайта жиҳозланиб, таъмирланди. Тегирмон цехида соатига 28 тонна цемент ишлаб чиқарадиган янги 2-тегирмон ўрнатишди. Шу кунларда Олмалиқ кон-металлургия комбинатида 6-тегирмонни таъмирлаш ниҳоясига етказилмоқда. У яқин қунларда олиб келинади. Навбатда эса 5-тегирмонни янгилаш кўзда тутилмоқда. Шундагина кунига 1800 — 2000 тоннага етказиб цемент тайёрлаш имкони туғилади.

Печларни таъмирлашда ишлатиладиган иссиқликка чидамли ғиштлардан уч вагони заҳира тариқасида сақланмоқда. Цемент қадоқлаш линиясини шартномага мувофиқ эронлик мутахассислар ишга туширишлари керак эди. Хорижлик "ишбилармон"лар линияни ишга туширишда нўноқлик қилиб қолишди. "Олдингдан оққан сувнинг қадри йўқ" деганларидек, ўзимизнинг Бекободдаги "Цемент таъмирлаш" заводининг ишчилари хорижликлардан устароқ эканликларини намойиш қилдилар.

Линия беш ойдан бери ишлаб турипти. Ҳозирча 50 килограммлик қопларга цемент қадоқланаяпти. Яқинда 40 килограммдан қадоқлаш йўлга қўйилди. Бугунги кунда қоп масаласи ташвиш туғдирмоқда. Буни ҳам шартнома асосида "Цемтаъмир" корхонаси жамоаси билан ҳамкорликда ҳал қилишни мўлжаллаб турибмиз.

— Буюртмачилар билан алоқани мустаҳкамлаш, маҳсулот сифатини яхшилаш яъни унинг рақобатбардошлигини ошириш борасида қилинаётган ишлар ҳақида қисқача сўзлаб берсангиз?

— Бозор иқтисодиётининг ўзига хос талаблари борки, у энг аввало рақобатбардош, харидоргир маҳсулотлар ишлаб чиқаришни талаб этади. Шуни инобатга олиб, маҳсулот сифатига эътибор кучайтирилди. Корхонамизда сифат комиссияси ташкил этилган. Ҳар сешанба куни мазкур комиссиянинг сифатга бағишланган йиғилиши ўтказилмоқда. Унда маҳсулот сифати билан боғлиқ масалалар, бу соҳадаги ютуқ ва нуқсонлар муҳокама қилинмоқда. Комиссия аъзоларидан бир гуруҳи Навоий цемент комбинатига тажриба ўрганиш учун бориб келди. Қувончлиси шундаки, ҳозирча маҳсулотларимизга талаб катта. Ҳатто хорижликлар ҳам харидор бўлаяпти. Яқинда югославиялик бинокорлар Тошкент шаҳридаги ўзлари олиб бораётган қурилиш учун цементимизни маъқул кўришди. Кўшни Тожикистон Республикаси билан валютага 30 минг тонна маҳсулот етказиб бериш ҳақида шартнома имзоланди.

Ҳиссадорлик жамиятимиз ишчи-хизматчилари мулкчиликнинг ўзлари танлаган шакли афзалликларидан янада тўлароқ фойдаланиш йўлидаги изланишларини изчил давом эттирмоқдалар. Шубҳасиз бу жамоамиз меҳнати натижасининг янада салмоқли бўлишига олиб келади. Бундан эса аввало, ўзимиз кўпроқ манфаатдор бўламиз.

Суҳбатни Абдумурод АШУРОВ ва Абдураҳим БОБОНАЗАРОВлар олиб бордилар.

ДЕҲҚОН БАҲОРИ

Бекобод туманидаги Далварзин жамоа хўжалиги пиллакори Кимёхон ая Абдураззоқова мана йигирма беш йилдирки ўз оиласи билан хўжаликка пилла қурти уруғини етказиб беради. Бу йил ҳам Кимёхон ая хўжаликка 200 қути уруғлик етказиб бермоқчи. Шу билан бирга қизи Муножот билан икки қути пилла қуртини олиб ҳар қутидан 100 килограммдан пилла топшириш ниятида.

Суратда: Кимёхон Абдураззоқова қизи Муножот билан пилла қурти жонлантириш пайтида.

Тошкент туманидаги А.Навоий номли жамоа хўжалиги миришкорларининг шу кунда қўли қўлига тегмайди. Сиз суратда кўриб турган хўжаликнинг 8-бригада бошлиғи Мурод Ғофуржонов бу йил 20 гектарга картошка, 17 гектарга буғдой, 5 гектарга сабзи ва 3 гектар ерга бодринг ва помидор экди.

Суратда: жамоа хўжалиги раиси Ботир Тўлаганов ва Мурод Ғофуржонов картошка экилган далаларни кўздан кечиришмоқда.

Умид АҲМЕДОВ олган суратлар.

ОЛАМ ҲАФТА ИЧИДА

● МАМЛАКАТЛАР ● ОДАМЛАР ● ВОҚЕАЛАР

"ЎЗБЕКИСТОН XXI АСРГА ҲОЗИРЛАНМОҚДА"

Ливаннинг "Ориент пресс" ахборот агентлиги яқинда ўз воситалари орқали Ислом Каримовнинг "Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари" китобига ёзилган тақризни оммавий ахборот воситаларига тарқатди. "Ал-Иттихад" газетаси (Бирлашган Араб Амирликлари) уни "Ўзбекистон XXI асрга ҳозирланмоқда" сарлавҳаси билан чоп этди.

Мақола муаллифи — "Ориент пресс" директори Али Жамолиддин Тоҳир — Ислом Каримовни сиёсий ва иқтисодий мустақилликни мустаҳкамлашнинг энг мураккаб босқичида ўз халқига раҳнамолик қилаётган, демократик жараёнлар, ҳуқуқий давлат ва фуқаролар жамияти қуришни жадаллаштираётган ўзига хос давлат раҳбари сифатида таърифлайди. Унинг ёзишича, моҳир сиёсатчи, малакали иқтисодчи ва реалист бўлган Ўзбекистон Президенти мамлакатнинг эркин бозор муносабатларига ўтишининг ўз йўлини ишлаб чиқди.

Президент Ислом Каримов асарининг араб тилида нашр этилиши ва унинг Яқин Шарқ мамлакатларида тарқатилиши катта аҳамият касб этади, чунки мазкур минтақа сайёрамизнинг энг беқарор минтақаларидан бири бўлиб қолмоқда, деб таъкидлайди Али Жамолиддин Тоҳир. Китобда қайд этилган минтақа ва дунё миқёсида хавфсизлик, тинчлик, барқарорликни таъминлаш муаммолари ниҳоятда долзарбдир. Муаллиф минтақавий можароларнинг юзага келиш сабабларини тадқиқ қилар экан, ҳар қандай можаро айрим олинган давлатнинг миллий чегаралари доирасида узоқ вақт қолмаслигига диққатни қаратади.

Хориж матбуоти саҳифаларида

Китобда муаллиф томонидан кўтарилган инсонларнинг диний эътиқодлари билан боғлиқ муаммоларга А. Тоҳир алоҳида эътибор бериб ўтади, диннинг маънавий қиммати ва айрим кучларнинг диндан йироқ сиёсий ва бошқа мақсадлардаги интилишлари ўртасидаги фарқни англаш муҳимлигини таъкидлайди.

Ливанлик журналист Ўзбекистонда олиб борилаётган миллий сиёсат тамойилларига содиқликни кўрсатиб ўтади. Мамлакатда истиқомат қилаётган барча миллат ва халқлар, уларнинг тили, урф-одатлари ва анъаналарига бўлган ҳурмат — ана ўша тамойиллар натижасидир. Уларнинг эркин ривожланиши учун барча шароитлар яратилган. Президентлик ҳокимияти янги ўзбек давлатчилигининг асоси бўлди, жамиятда барқарорликнинг қарор топишига ва мамлакатнинг ислоҳотлар йўлида собитқадам силжишига имконият яратди.

Мақола сўнгида муаллиф мустақил Ўзбекистоннинг ташқи сиёсат ва ташқи иқтисодий алоқалар ўрнатишдаги тажрибаси, дунё ҳамжамиятида тутган муносиб ўрни, халқаро ва минтақавий ташкилотлар билан самарали ҳамкорлиги бу ерда демократик жамият муваффақиятли яратилаётганлигидан далолат беради, деб ёзади.

Раҳимжон ҚОДИРОВ, "Жаҳон" АА мухбири, Қоҳира.

Воқеалар тўлқинида

➡ БУЮК Британия қироличаси Елизавета II ўзининг таваллуд кунини нишонлади. У 72 ёшга тўлди.

➡ ТОМАС Клестиль — президентлик сайловларида иккинчи бор ютиб чиқди. Шундай қилиб, у ўз лавозимида яна олти йил мобайнида Австрия президенти бўлиб қолади.

➡ КУБАДА тиббиёт соҳасида катта муваффақиятга эришилди. У жаҳонда қизамиқни бутунлай енгган биринчи мамлакат бўлди.

➡ БРАЗИЛИЯ Россиянинг "СУ—30", "СУ—37" ҳарбий самолётларини ўзлаштира бошлади. Мазкур мамлакат ана шундай тайёралардан 70 тасини сотиб олиш ниятида турипти. Шу билан бирга Франция, АҚШ, Россия, Бразилия биргаликда бу ерда қўшма корхона барпо этиш тадоригини ҳам кўра бошладилар.

➡ АФГОНИСТОННИНГ Фарёб вилоятида фожиали сув тошқинлари юз берди. 30 киши қурбон бўлди. 20 минг гектардан зиёд зироат майдонлари сув остида қолди.

ГИКУЧИДА — ХОТИРА

21 АПРЕЛДА Ичкерия Чеченистон Республикасининг собиқ президенти Жохар Дудаев ҳалок бўлганлигига икки йил тўлди. Бу кун мамлакат бўйича алоҳида бир вазиятда нишонланди. Ж. Дудаев ҳалок бўлган Гикучи қишлоғига жуда кўп одамлар йиғилди. Аслан Масхадов бошлиқ мамлакат ҳукумати аъзолари, қўшни республикалардан келган меҳмонлар, собиқ президентнинг сафдошлари Ж. Дудаевни эслаб сукут сақладилар. Энг қизиғи бу йиғинга Ж. Дудаевнинг рафиқаси Алла Дудаева Туркиядан етиб келди. Халққа ош тортилди, сўнгра тиловат қилиниб, марҳум хотирасига бахшида этилди.

СЎНГГИ УРИНИШ

КЕЧА Россия Давлат думаси мамлакат бош вазири лавозимига номзод Сергей Кириенкони учинчи бор муҳокама қилди. Ҳозирча тафсилотлар ноаниқ бўлиб турипти. Лекин, бош вазирнинг биринчи ўринбосари вазифасини бажарувчи Б. Немцов муҳокама арафасида шанба куни Россия ўзининг бош вазирига эга бўлади, деб дангал айтди. Дума раисининг ўринбосари В. Рижков эса ўша куни депутатлар чамадонларини йиғиштирмоқдалар, деган нохуш фикр билдирди. Бугун кечгача С. Кириенко номзоди ўтдими, йўқми — аниқ бўлади. Ўтмаган бўлса, президент билан Давлат думаси ўртасидаги ихтилоф яна кучаяди.

ВАШИНГТОНГА САФАР

23 апрель куни Туркманистон президенти Сапармурот Ниёзовнинг Вашингтонга расмий ташрифи бошланди. Сафар чоғида унинг президент Билл Клинтон, АҚШнинг бошқа юқори мартабали давлат арбоблари билан учрашувлари режалаштирилган эди. Музокаралар чоғида икки ҳужжат имзоланди.

С. Ниёзов ўзининг уч кунлик ташрифи тугаганидан сўнг Чикаго шаҳрида Американинг йирик машинасозлик компаниялари вакиллари билан учрашувни режалаштирди.

ҲИБСХОНА ҚУРБОНЛАРИ

ЯҚИНДА Ироқдаги ялпи қирғин қуролларини текшираётган БМТ махсус комиссиясининг раҳбари Ричард Батлер Хавфсизлик Кенгашига сўнгги текширувлар натижаси акс этган маърузаси матнини тақдим этди. Бунда Ироқ томони маълумотларига ишончсизлик билдирилди. Шу орада яна бир машмаша бошланди. БМТ топшириғига биноан Ироқда инсон ҳуқуқларига амал қилиниши масаласини ўрганаётган Даниянинг собиқ ташқи ишлар вазири Макс Ван дер Стол текширув натижаларини эълон қилди. Унинг гапларига қараганда, 1997 йил давомида Ироқда турли жиноятларда айбланган 1500 дан зиёд сиёсий маҳбуслар қатл этилган. Айниқса, Абу Ғирайиб сингари йирик қамоқхоналарда кўплаб кишилар отилган, осиб ўлдирилган ёхуд электр столига ўтқазилган. Бундай нохуш маълумотлар АҚШ, Англия сингари мамлакатлар билан Ироқ ўртасидаги муносабатларни яна қалтислаштириши мумкин. Шу боис БМТ вакили Макс Ван дер Стол Ироқда халқ ҳаёти тобора оғирлашиб бормоқда, деган хулосага келди.

МАРҲУМЛАР ЛОТЕРЕЯ ЎЙНАМАЙДИ

➡ ИСПАНИЯНИНГ Галисия воҳасидаги Побра до-Караминал қишлоғида истиқомат қилувчи Хуан Виласанте Пас деган киши 76 ёшида вафот этди. Эртасига янги лотереянинг ўйин жадвали эълон қилинди. Ворислар ота айтган лотереяларни қидириб қолдилар. Лекин, лотереялар марҳумга кийдирилган костюм чўнтагида кетганлиги маълум бўлди. Энди улар қабрни очиш йўлларини қидирмоқдалар. Уларнинг умиди битта: катта ютуқ чиқиб қолса, ажаб эмас!

БУ ДУНЁНИНГ ИШЛАРИ

ЎЗЛАРИ "ХОН" БЎЛГАЧ...

➡ Отингни сот, тўнингни сот, амалдор бўлгин экан. Эстония мустақиллигининг 80 йиллиги арафасида қатор вазирлар ўзларига катта миқдорда мукофот пуллари ёзиб олдилар. Ҳатто, бош вазир Март Сийман, молия вазири Март Опмани, иқтисод вазири Яак Лейманлар ҳам "бир нарсалик" бўлиб қолдилар... Сир фош бўлгач, кўпчилик бу воқеани рад этди. Лекин, улар буни ҳам эплай олишмади. Ҳамюртлар ғазабидан чўчиган амалдорлар мукофотларни давлат хазинасига қайтариш тўғрисида қарор чиқардилар.

ОСМОНДАГИ ФАЛОКАТ

➡ КУНИ кеча Колумбия пойтахти Боготадан парвоз қилган Эквадор компаниясининг "Боинг—727" фуқаролар тайёраси унча баландликка кўтарилмаёқ, тоғ билан тўқнашиб кетди. 43 йўловчи ҳамда 10 нафар экипаж аъзолари ҳалок бўлдилар. Фожиа жойида текширув ишлари олиб борилмоқда.

(ЖАҲОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ).

ДУШАНБА, 27

Телетомошабинлар диққатига! Профилактика муносабати билан душанба, 27 апрель куни ЎзТВ -I кўрсатувлари соат 17.55 да бошланади.

I

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар
18.10 Болалар учун. «Фарзанд—умид юлдузи».
18.20 «Ёшлик» студияси. «Дардингизни олай...».
18.40 «Олам ва одам».
19.00 «Муҳаббатим куйлайман». Мусиқий дастур.
19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 22.00 — Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 Биржа ва банк хабарлари.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Наманган баҳори». Публицистик кўрсатув.
21.25 **Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис XI сессиясми олдидан. «Бевосита мулоқот».**
22.05 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Ягонасан, мен учун Ватан!» Фильм-концерт премьераси.
22.40 Ойбек. «Оқшом маликаси». «Уч» поэмаси асосида видеофильм.
23.40 «Ахборот».
00.05 Футбол. «Ўзбекистон чемпионати. «Нефтчи» (Фарғона) — «Трактор» (Тошкент).
00.50 — 00.55 Ватан тимсоллари.

II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи» (рус тилида).
18.15 «Ерилтош». Мульттўплам.
18.35 «100 йиллик саргузаштлар давомида». Телесериал.
19.05 «Тарозу».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Туризм ҳақида».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Олтин мерос».
21.10 «Сёгун». Телесериал.
22.00 «Ойдиндаги қадамлар».
22.15 «Даракчи» (рус тилида).
22.25 «Юрган дарё».
22.45 «15 дақиқа спорт ҳақида».
23.00 Оҳанглар ва эълонлар.
23.15 Саргузашт фильмлар экрани.
00.05 Мусиқали калейдоскоп.
00.25 —00.30 Тунингиз хайрли бўлсин!

III

17.15 Янгиликлар

*

Россия жамоат телевидениеси
17.20 — 20.40

*

20.40 «Дунёқараш». Тележурнал.

*

Россия давлат телевидениеси
21.00 — 21.30

*

21.30 Эълонлар.
21.35 Экранда сериал. «Мушкетёрлар 20 йилдан сўнг». 1-серия.
22.40 — 23.00 «Ахборот» (рус тилида).

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси

*

18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мульттомоша».
19.05, 22.25 Эълонлар.
19.10 «Морена Клара». Телесериал.
19.55 «Жаҳон».
20.15 «Мусиқий танаффус».
20.20 «Чинор» видеоканали: «Дидар».
«Рангинкамон».
21.00 «Табиат шифохонаси».
21.10 «Умр баҳори».
21.25 «Намастэ».
21.45 «Ҳаёт карвони».
22.05 «Ғўзаллик ва мангулик ҳақида».
22.30 Спорт-тайм.
23.00 — 23.10 «Хайрли тун!».

СЕШАНБА, 28

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00 — 8.25 «Ахборот».

*

8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.40 «Эстрада тароналари».
9.10 «Зумраша». Болалар учун киножурнал.
9.20 Биржа ва банк хабарлари.
9.35 «Ўзлик». Бадиий-публицистик кўрсатув.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 - Янгиликлар.
10.05 «Шифокор экрани».
10.25 Инглиз тили.
10.55 Кино янгиликлари.
11.10 Телевикторина.
11.20 Жаҳон киноси юлдузлари.
11.40 «Олам ва одам».
12.05 Кундузги сеанс. «Эркакли уй». Бадиий фильм.
13.30 Ўзбекистон телерадиокомпанияси халқ чолғу оркестрининг концерти.
14.10—14.50 «Эртаклар — яхшиликка етаклар». «Бахт қуши».

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Алиса кўзгу орти ўлкасида». Мультфильм.
18.20 «Умид учқунлари». Тележурнал.
18.45 «Зилол-98». Фольклор-этнографик ансамбллларининг концерти.
19.05 «Ислоҳот ва масъулият».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 22.00 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Таълим-тарбия миллий дастури—амалда».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Маърифатнома».
21.20 «Бир жуфт қўшиқ».
21.30 «Акс-садо».
22.05 «Оталар чойхонаси». Мусиқий дастур.
22.50 Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг XI сессияси олдидан «Қалб минбари».
23.10 «Ўзлигинг намоён қил». Телетанлов. Экранда — Сирдарё вилояти.
23.55 «Ахборот».
00.20— 00.25 Ватан тимсоллари.

II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 «Ерилтош». Мульттўплам.
18.35 Еввойи ҳайвонот олами.
19.15 «Шарқ эстрадаси».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Мусиқий меҳмонхона».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Очув».
21.20 «Сёгун». Телесериал.
22.10 «Даракчи».
22.20 «Онагинам».
22.40 Спорт қитъаси.
23.10 Кундалик.
23.20 Оҳанглар ва эълонлар.
23.30 Кинонигоҳ.
01.10 Тунингиз хайрли бўлсин!

III

17.20 Янгиликлар.

*

Россия жамоат телевидениеси
6.30 — 8.00

* * *

17.25 — 20.40

*

20.40 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».

*

Россия давлат телевидениеси
21.00 — 21.35

*

21.35 Эълонлар.
21.40 «Мушкетёрлар 20 йилдан сўнг». Бадиий фильм. 2-серия.
22.55 — 23.15 «Ахборот» (рус тилида).

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси

*

18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мульттомоша».
19.05 «Сен ҳақингда ва сен учун».
19.20 «Солиқ ҳақида сабоқлар».
19.35 «Тасвир-98».
19.55, 22.20 Эълонлар.
20.00 «Муҳаббат тарихи». Телесериал.
20.45 «Медицина — сизлар учун».
21.10 Мусиқий дақиқалар.
21.15 «Долзарб репортаж».
21.35 «Ўйингоҳ».
21.50 «Телефакт».
22.00 Хит-коллекция.
22.25 «Қувноқ кино».
23.55 — 00.05 «Хайрли тун!».

ЧОРШАНБА, 29

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 — 8.25 «Ахборот».

*

8.25 «Куйла, ёшлигим». Мусиқий дастур.
8.45 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Мусаввир нигоҳи».
8.55 «Келажагимиз ворислари».
9.15 «Ўзлигинг намоён қил». Телетанлов. Экранда — Сирдарё вилояти.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар
10.05 «Талаб ва таклиф».
10.25 Болалар учун. «Орзу».
10.55 «Соғлом авлод — соғлом миллат».
11.15 «Рақс оламида».
11.30 «Акс-садо».
12.05 «Табаррук қадамжолар».
12.30 «Кузянинг қайтиши». Мультфильм.
12.40 «Қонун ва биз».
13.15 «Оталар чойхонаси». Мусиқий дастур.
14.10 — 15.30 «Қизалоқ, фильмда ўйнашни хоҳлайсанми?». Бадиий фильм.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 Болалар учун. «Меҳрибонлик уйида».
18.25 «Бу ёруғ оламда Ватан биттадур».
18.30 «Солиқ ва назорат».
18.45 «Асрлар навоси». Мусиқий дастур.
19.05 «Зиёбахш умр». Телеочерк.
19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 21.50 - Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Экран куйлари». Киноконцерт.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Иқтисодиёт чорраҳаларида».
21.20 «Оламни асранг, дўстлар». Нуриддин Ҳамроқулов концерти.
21.55 Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг XI сессияси олдидан. «Парламент соати».
22.20 «Тил — миллат кўзгуси».
22.35 «Севгим менинг, андуҳим менинг». Бадиий фильм.
00.05 «Ахборот».
00.30 — 00.35 Ватан тимсоллари.

II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи» (рус тилида).
18.15 «Жаҳон халқлари эртаклари».
18.35 «XX аср жиноятлари». Телесериал.
19.05 «Дойче Велле» тақдим этади...
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Ҳонадон».
20.15 «Жозиба».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Тарона».
21.15 «Сёгун». Телесериал.
22.05 «Даракчи» (рус тилида).
22.15 «Ҳудуд».
22.45 Оҳанглар ва эълонлар.
23.00 Экранда—детектив.
00.35 Хорижий эстрада.
00.55 Тунингиз хайрли бўлсин!

III

16.35 Янгиликлар.
16.40 Болалар учун. «Эртакнамо чоршанба». Кинокўрсатув.

*

Россия жамоат телевидениеси
6.30 — 8.00

* * *

17.20 — 20.40

*

20.40 «Олтин даргоҳ остонасида». Телекўрсатув.

*

Россия давлат телевидениеси
21.00 — 21.30

*

21.30 Эълонлар.
21.35 «Мушкетёрлар 20 йилдан сўнг». Бадиий фильм, 3-серия.
22.50 — 23.10 «Ахборот» (рус тилида).

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси

*

18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мульттомоша».
19.05, 21.40 Эълонлар.
19.10 «Морена Клара». Телесериал.
19.55 «Мусиқий дақиқалар».
20.00 «Спорт-лотто».
20.10 «Таклифлар ва ташрифлар».
20.35 «Дилрабо тароналар».
20.45 «Азизим».
21.10 «Дурдаршан».
21.45 «Олтин хазина».
23.05— 23.15 «Хайрли тун!».

ПАЙШАНБА, 30

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 — 8.25 «Ахборот».

*

8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.40 Лирик тароналар.
9.05 «Иқтисодиёт чорраҳаларида».
9.25 «Хаёт сабоқлари». Публицистик кўрсатув.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 «Болалар учун. «Соғломжон-полвонжон».
10.20 Янги алифбони ўрганамиз.
10.50 «Инсон ва замин». Тележурнал.
11.15 «Ёшлик» студияси. «Сени Ватан қутлади!».
11.40 «Жараён».
12.05 «Танаффус № 5» Мультфильм.
12.15 «Спортчилар сулоласи».
12.30 «Кундузги сеанс». «Муқаддима». Бадиий фильм.
14.10 — 14.30 «Зийнат».

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Фил учун совға». Мультфильм.
18.20 «Ажаб саодат эрур...» Бадиий-публицистик кўрсатув.
18.50 «Ҳарита». Халқаро шарҳ.
19.05 «Ҳидоят сари».
19.25, 20.25, 20.55, 22.00 — Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 «Юзма-юз».

20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг XI сессиясида.
22.05 «Ороминжоним, қайдасан». Мусиқий дастур.
22.40 «Ёзув столидан репортаж».
23.05 «Ахборот».

«Сомон йўли» маърифий-дунёвий кўрсатувлар мажмуаси:

23.30 1.»Абадият қўшиғи».
2. «Ипак йўли — маърифат йўли».
3.«Нотаниш дил сўҳбати».
00.30 — 00.35 Ватан тимсоллари.

II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 «Жажжи давра». Болалар учун концерт.
18.30 «2000-йилдан сўнг». Телесерил.
18.50 «Дилнавоз садолар».
19.00 «Катта танаффус». Телеўйин...
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Табобат оламида».
20.15 «Одобнома».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Сир».
21.20 «Мусиқа теграсида».
21.40 «Одамлар орасида».
22.00 «Даракчи».
22.10 Оилавий экран. «Илон қиз». Бадиий фильм. 1-серия. (Ҳиндистон).
23.20 Оҳанглар ва эълонлар.
23.35 «Илон қиз». Бадиий фильм. 2-серия.
00.45—00.50 Тунингиз хайрли бўлсин!

III

17.15 Янгиликлар.

*

Россия жамоат телевидениеси
6.30 — 8.00

* * *

17.20 — 20.40

*

20.40 «Балеро». Фильм-концерт.

*

Россия давлат телевидениеси
21.00 — 21.35

*

21.35 Эълонлар.
21.40 «Мушкетёрлар 20 йилдан сўнг». Бадиий фильм. 4-серия.
23.05 «Нафосат оламида». Телефильм.
23.25 — 23.45 «Ахборот» (рус тилида).

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси

*

18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мульттомоша».
19.05 «Минг бир маслаҳат».
19.20 «Голландия қишлоқ хўжалиги».
19.35 «Телеташриф».
19.55, 23.10 Эълонлар.
20.00 «Муҳаббат тарихи». Телесериал.
20.45 «Ракурс». Бадиий-публицистик кўрсатув.
21.15 «Интерспорт».
21.35 «Ҳамшаҳарлар».
21.55 «02» тўлқинида.
22.10 «Каталог».
22.20 «Ҳаммаси мода ҳақида».
22.40 «Дарвоқе...».
23.15 «Киносалон».
00.35 — 00.45 «Хайрли тун!».

ЖУМА, 1

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 — 8.25 «Ахборот».

*

8.25 «Оҳангга тўлсин диёр». Мусиқий дастур.
8.55 «Юзма-юз».
9.15 «Оламни асранг».
9.40 «Алпомиш авлодлари». Спорт дастури.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 Болалар учун. «Дўстлик чегара билмайди».
10.30 Немис тили.
11.00 «Меҳр макони».
11.20 «Харита». Халқаро шарҳ.
11.35 «Соз сеҳри». Мусиқий кўрсатув.
12.05 «Нима бўпти лақабли бегемот». Мультфильм.
12.15 «Илм ўзликни билмакдур».
12.35 Кундузги сеанс. «Доктор Жекл ва мистер Хайднинг ғаройиб саргузаштлари». Бадиий фильм.
14.10 — 14.25 «Бизни кутар нурли манзиллар».

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Ҳа, ҳа, ҳа...» Ҳазил, ҳажвия, ҳангома.
18.35 Шеър ва шуур.
18.45 «Қишлоқ ҳақида ўйлар».
19.05 «Ҳайрат». Бадиий-публицистик кўрсатув.
19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 22.00 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Омонлик тилаймиз».
20.10 «Оқшом эртаклари».
20.30 «Ахборот».
21.00 Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг XI сессиясида.
22.05 Санъат усталари ва ёш ижрочиларнинг концерти.
22.40 «Ёшлик» студияси. «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи».
23.50 «Ахборот».
00.15—00.20 Ватан тимсоллари.

II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 «Бор экан-да, йўқ экан».
18.40 «XX асрнинг улуғ жумбоқлари». Телесериал.
19.10 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Кинокўзгу».
20.15 «Ҳар лаҳзада қўшиқ».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Тақдим».
21.15 «Сёгун». Телесериал.
22.05 «Даракчи».
22.15 Оҳанглар ва эълонлар.
22.30 Саргузашт фильмлар экрани.
23.15 Бокс. Бокс. Бокс.
23.35 — 23.40 Тунингиз хайрли бўлсин!

III

17.50 Киноафиша.
17.55 Янгиликлар.

*

Россия жамоат телевидениеси
6.30 — 9.00

* * *

18.00 — 20.35

*

20.35 Эълонлар.
20.40 «Мусиқа ҳамма учун». Мусиқий кўрсатув.

*

Россия давлат телевидениеси
21.00 — 21.30

*

21.30 Эълонлар.
21.35 «Брюс Ли ва аждаҳо зарби». Бадиий фильм.
22.55 — 23.15 «Ахборот» (рус тилида).

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси

*

18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мульттомоша».
19.05, 21.35 Эълонлар.
19.10 «Морена Клара». Телесериал.
19.55 «Ўй остонадан бошланади».
20.25 «Маънавият ва Ислом».
20.45 «Наволарда аён этсам».
21.05 «Дурдаршан».
21.40 Кинематограф.
23.00 Араб эстрадаси.
23.30 — 23.45 «Мунаввар тонг истаб...».

ШАНБА, 2

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00—8.25 «Ахборот».

*

8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.40 «Мусиқа бўстони». Телеальманах.
9.00 «Шоҳрух» клуби.
9.20 «Ёшлик» студияси. «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи».
10.30 «Зиёрат».
10.40 «Олимп сари». Спорт дастури.
10.55 Теран томирлар.
11.25 «Ёр васфи». Мусиқий дастур.
11.55 «Мушоҳада баҳси».
12.20 «Катта танаффус». Телеўйин.
12.50 «Менинг маҳаллам».
13.10 — 15.30 Кундузги сеанс. «Меҳрибонгинам». Бадиий фильм 1—2-сериялар. (Ҳиндистон).

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Болаларга бахшида умр». Ш. Ерматов.
18.20 «Мувозанат». Ахборот-таҳлилий кўрсатув.
18.40 «Бахтли воқеа».
19.25, 20.25, 20.55, 22.25 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Оқшом эртаклари.
20.05 Ўзбекистон янгиликлари (инглиз тилида).
20.15 «Жаҳон спорти».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Ўзбекистоннинг янги тарихи».
21.25 «Ҳамма кўриши шарт... эмас».
22.30 «Ахборот».
«Тунги ёғду». Дам олиш дастури:
22.55 Ҳазил.
23.05 «Имкон чўққилари».
23.15 Диққат, премьера. «Мерос». Бадиий фильм. 1-серия.
24.00 Футбол Ўзбекистон чемпионати. «Дўстлик» (Тошкент вилояти) — «Нефтчи» (Фарғона).
00.45 — 00.50 Ватан тимсоллари.

II

7.55 Кўрсатувлар дастури.
8.00 «Боланинг тили».
8.15 А. Абдураззоқов. «Бойкенжаев ва бошқалар». Видеофильм.
9.25 Шарқ эстрадаси.
9.35 «Келин-куёв». Телешоу.
10.25 «Мухлисгача... ва ундан сўнг».
10.40 «Таурас куч тўпламоқда». Телесериал.
11.20 «Фидойилар». А. Тарковский.
11.40 Спорт қитъаси.
12.10 Болалар экрани.
13.40 «Онагинам».
14.00 «Нью-Йорк». Телесериал.
14.50 «Сир».
15.10 «Сансет Бичнинг муҳаббати ва сирлари». Телесериал.
16.00 Дилнавоз садолар.
16.10 Хонадонингизга осойишталик тилаймиз.
16.40 «Санта-Барбара». Телесериал.
17.25 «Тақдим».
17.40 «Ерилтош». Мульттўплам.

*

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 «У ким? Бу нима?».
18.30 Спорт қитъаси.
19.00 «ММ» шоуси.
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Дилбарим».
20.10 «Гулдаста».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Кўнгил кўнгилга пайванд».
21.30 «Даллас». Телесериал.
22.15 «Даракчи».
22.25 Оҳанглар ва эълонлар.
22.45 Кинонигоҳ.
00.15 — 00.20 Тунингиз хайрли бўлсин!

III

17.00 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.
17.05 Ўзбекистон телерадиокомпанияси камер оркестрининг концерти.

*

Россия жамоат телевидениеси
17.35 — 22.25

*

22.25 Эълонлар.
22.30 «13 полиция маҳкамасига ҳужум». Бадиий фильм.
23.55—00.05 «Ҳайкалтарош». Телефильм.

IV

10.00 «Спектаклдан сўнг».
10.20 Эълонлар.
10.25 «Шанба эртаги».
11.35 — 12.05 «Кросс-Роудс» кафесига хуш келибсиз! («Америкага бир назар» кўрсатувига илова: инглиз тили ҳамма учун).

* * *

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси

*

18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мульттомоша».
19.05 Авторейд.
19.15 «Далил ва шарҳ».
19.30 «Рақслар қанотида».
19.55, 21.50 Эълонлар.
20.00 «Муҳаббат тарихи». Телесериал.
20.45 «Ассалом, Франция!».
21.10 «Осиё монитори».
21.30 Хит-коллекция.
21.55 Киносалон.
23.35 «Бу ажиб дунё».
23.50 — 24.00 «Хайрли тун!».

ЯКШАНБА, 3

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 — 8.25 «Ахборот».

*

8.25 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
10.00 «Ватанимга хизмат қиламан».
11.00 «Демократия тамойиллари».
11.20 «Маҳалламиз болалари». Телемусобақа.
11.55 «Ҳиммат».
«Ёшлар» телеканали
12.20 «Шу Ватанга бордур менинг керагим».
12.40 «Эстрада ва ёшлар».
13.00 «Оқибат».
13.25 «Табассум кўчаларида».
14.15 «Санъат олами».
14.35 «Туркий қавмлар». Дўрмон.
14.50 — 15.50 «Ҳамма кўриши шарт...эмас».

* * *

16.55 Кўрсатувлар тартиби.
17.00 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Пахтакор» (Тошкент) — «Трактор» (Тошкент). Танаффус пайтида — «Мультолам».
18.50 «Омад юлдузи». Телевизион ўйин.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 — Эълонлар.
19.30 «Панорама» (рус тилида).
20.00 «Ўзлик». Бадиий-публицистик кўрсатув.
20.30 «Ҳафтанома».
21.05 «Якшанба оқшомида». Дам олиш дастури.
21.45 Телевизион миниатюралар театри.
Спорт дастури:
22.20 1. Спорт, спорт, спорт.
2. Футбол тарихи.
3. Футбол майдонларида.
«Аср мўъжизаси». кинодастури:
23.20 Кино янгиликлари.
23.35 Ўзбек киноси ижодкорлари.
23.55 «Маҳфий дипломатия». Бадиий фильм. 5-серия.
00.55 — 01.00 Ватан тимсоллари.

II

7.55 Кўрсатувлар дастури.
8.00 «Бор экан-да, йўқ экан...»
8.25 Эмин Усмонов. «Кўриқхонада». Видеофильм.
9.40 «Гулдаста». Мусиқий дастур.
9.50 Саргузашт фильмлар экрани.
10.35 «Дилбарим».
10.50 «Таурас куч тўпламоқда». Телесериал.
11.30 «Дойче Велле» тақдим этади...
11.50 Болалар экрани.
«ЯКШАНБАДА ЯХШИ ДАМ» ДАСТУРИ:
13.20 Кўрсатувлар дастури.
13.25 Жаҳон халқлари эстрадаси.
13.45 «Нью-Йорк». Телесериал.
14.35 Интер-футбол.
15.15 «Сансет Бичнинг муҳаббати ва сирлари». Телесериал.
16.05 «Сиз ёқтирган қўшиқлар».
16.20 «Бари ҳазил».
16.30 Мультипанорама.
17.00 «Санта-Барбара». Телесериал.
17.40 «Қалб таронаси».

*

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 «Бўш ўтирма».
18.35 «Ғурфа олам».
19.00 «Нафосат».
19.10 Келгуси ҳафтада.
19.55, 21.00 — Эълонлар.
19.30 «Панорама» (рус тилида).
20.00 «Изҳор».
20.20 Оҳанглар ва эълонлар.
20.30 «Ҳафтанома».
21.05 «Даллас». Телесериал.
21.55 Миллионлар ўйини.
22.15 «Даракчи».
22.25 «Жараён».
22.45 Якшанба кинозали.
00.25 — 00.

БУЮК АЛЛОМАЛАР МЕРОСИНИ ИЗЛАБ

БУЮК муҳаддис Имом Ал-Бухорийнинг 1225 йиллиги ва беназир олим, мунажжим Аҳмад Ал-Фарғонийнинг 1200 йиллиги муносабати билан ташкил этилган илмий экспедиция аъзолари хориж сафаридан қайтиб келди. Бобокалонларимиз илмий меросини ўрганиш мақсадида йўлга чиққан олимлар уч ҳафта давомида Туркия, Сурия, Иордания ва Миср Араб Республикасида бўлиб, ана шу алломаларнинг асарлари, улар ҳақидаги тадқиқотлар, рисолалар, китоблар билан танишиб, ўша мамлакатлардаги қўлёзмалар фондларида сақланаётган буюк олимларимиз тўғрисидаги асарлардан микрофильм, фотонусхалар олди. Экспедицияга тарих фанлари доктори Ашраф АҲМЕДОВ бошчилик қилди.

Экспедиция хориж сафаридан қайтди

Экспедициянинг мақсади Имом Ал-Бухорий ва Аҳмад Ал-Фарғонийнинг ўша мамлакатларда кечган ҳаёти, уларнинг илмий мероси билан шуғулланувчи олимлар, тадқиқотчилар билан танишиш, бевосита мулоқотлар ўтказиш ҳамда ижодий-илмий ҳамкорликни йўлга қўйишдан иборат эди.

Туркиянинг Истамбул шаҳрида Шарқ мамлакатлари халқлари тарихини ўрганадиган йирик илмий марказ мавжуд. Олимларимиз ана шу илмий марказ фаолияти, унинг қошидаги кутубхона ва қўлёзмалар сақланадиган бўлимлар билан танишишди. Имом Ал-Бухорий ва Аҳмад Ал-Фарғоний мероси бўйича илмий тадқиқотлар олиб бораётган мутахассислар билан суҳбатлар ўтказди. Имом Ал-Бухорийнинг нодир асарлари бўлган "Хайр Ал-Калом фи қироъат халф Ал-Имом", "Ат-Тарих Ас-Сағийр" каби асарлари микрофильмини олишга муваффақ бўлишди. Бундан ташқари икки буюк алломанинг Истамбулдаги Сулаймония кутубхонасида сақланаётган баъзи қўлёзмаларининг ҳам микрофильмлари олинди.

Иордания қироллиги пойтахтидаги изланишлар ҳам яхши самара берди. Қироллик фанлар академияси кутубхонасида Имом Ал-Бухорий тўғрисида жуда кўп адабиётлар бор. Уларнинг кўпчилигини кейинги йилларда араб олимлари томонидан яратилган китоблар ташкил этади.

Экспедициянинг Миср Араб Республикасига сафари чоғида Ўзбекистоннинг шу мамлакатдаги элчихонаси ҳамда Миср ахборот вазирлиги ёрдамида олиб борган ишлари айниқса самарали бўлди. Жумладан, "Китоблар уйи ва миллий ҳужжатлар" номли қўлёзмалар фондидан Аҳмад Ал-Фарғоний асарлари қўлёзмаларидан нусха кўчиришга муваффақ бўлинди. Олимларимиз Қоҳира университетида Аҳмад Ал-Фарғоний ҳаёти ва ижоди билан шуғулланувчи йирик олим Ҳасан Халифа билан танишди.

Ўн бешинчи аср Миср тарихчиси Ибн Ҳажар Ал-Асқалонийнинг "Саҳийҳ Ал-Бухорий" асарига ёзилган 14 жилддан иборат шарҳлар тўплами, Имом Ал-Бухорий ижодий фаолиятининг турли қирраларига бағишланган яна кўплаб асарлар келтирилди.

— Сурияга сафаримиз жуда сермаҳсул бўлди, — дейди илмий экспедиция аъзоси, шарқшунос олим Убайдулла Уватов. — Унинг пойтахти, Шарқда қадимдан илм-фан, зиё маскани сифатида донг таратган Дамашқда тўрт кун бўлиб, бир неча кутубхоналарда, Аз-Зоҳирия қўлёзмалар фондида, мамлакат президенти Ҳафиз Асаднинг бевосита раҳбарлигида қурилган улкан "Мактабатул Асад" кутубхонасида бўлдик. У ерда ватандошларимизнинг илмий меросларини, асарлари, хусусан, Имом Ал-Бухорийнинг "Саҳийҳ Ал-Бухорий" асарининг қўлёзма нусҳалари сақланаётган экан. Уларнинг баъзилари билан танишдик.

Сурияда жуда кўп олимлар Имом Ал-Бухорий меросидан яхши хабардор. Шулардан бири ҳадис соҳасида, айниқса, буюк муҳаддиялар имом Ал-Бухорий, имом Ат-Термизий фаолияти бўйича кўплаб асарлар яратган йирик олим Нуриддин Атирдир.

— Имом Ал-Бухорий ватанига бориб, ул зоти шарифнинг мақбарасини тавоф этиб, жаҳон илм-фани, маданияти, маънавияти равнақига катта ҳисса қўшган алломалар етказиб берган табаррук замин — Ўзбекистонни зиёрат қилиш насиб этса ўзимни беҳад бахтиёр санар эдим, — деди у.

Шарқ олимлари, хусусан, диёримиздан чиққан алломаларга бағишлаб олтмишдан кўпроқ асар ёзган олим Хусомиддин Ал-Фарфур билан ўтказилган суҳбат ҳам ғоят қизиқарли бўлди. "Фатхи Исломий" жамияти ходими доктор Валийиддин Муҳаммадсолиҳ Ал-Фарфур бизга X аср охири XI аср ўрталарида яшаган юртдошимиз Абу Муайн Ан-Насафийнинг "Бахрул калом", ("Калималар денгизи") асарининг эндигина босмадан чиққан нусхасини тортиқ этди. Қўлёзмаси Дамашқда сақланаётган бу асар билан танишиб, калом илмида, яъни мутакаллимлар ичида ҳам ватандошларимиз борлиги, улар ана шу соҳа равнақига ҳисса қўшганидан ғурурландик. Ан-Насафий ҳазратлари мана шу илмнинг жуда йирик пешволаридан ҳисобланган. Келажакда олимларимиз бу асарни ўрганиб, кенг жамоатчиликка етказади, деган умиддамиз. Беш хил компьютер дискетлари ҳам яхши топилма бўлди. Уларнинг бирида машхур муҳаддислар, жумладан, Имом Ал-Бухорий ижоди ва илмий меросига оид материаллар ёзилган.

Сурия ёзувчилар уйидаги мулоқот ҳам мароқли ўтди. Мамлакатнинг кўзга кўринган олимлари, шоир ва ёзувчилари иштирок этган бу учрашувда уларда Ўзбекистонга қизиқиш жуда катта эканлигини сездик. Мамлакатимизда маданият ва маънавият, меросимиз, тарихимизни ўрганиш, уни халқимизга етказиш борасида Президентимиз кўрсатаётган ғамхўрлик ва эътибор ҳақида гапириб бердик. Мамлакатимизда икки буюк зотнинг юбилейига қизғин тайёргарлик кўрилаётгани сурияликларни ғоят қувонтирди.

Экспедиция аъзолари келтирган маълумотлар, китоб, микрофильм, фотонусхалар буюк алломалар юбилейига муносиб совға, айни пайтда уларнинг илмий меросини янада чуқурроқ ўрганишда муҳим манба бўлиб хизмат қилиши шубҳасиздир.

Б. МАНСУРОВ,
ЎзА мухбири.

Болаликнинг беғубор лаҳзалари.

Даврон АҲМАД олган сурат-лавҳалар.

МАРКАЗИЙ ОСИЁ ЯНГИЛИКЛАРИ

БИШКЕК

Қирғизистон "Кабар" ахборот агентлиги мухбирининг ёзишича, мамлакат парламенти депутати А. Ортиқов айрим ҳамкасбларини коррупция ва махфияга алоқадорликда айблади.

А. Ортиқов илгари ҳам бу мавзуда газета орқали интервью берган эди. Депутатлар жанжал кўтаргач, у парламент мажлисида ҳам ўзи қўйган айбларни яна бир бор такрорлаган. Депутатлар уни туҳматчиликда айблаб, ишини бош прокуратурага оширган. А. Ортиқовни депутатлик ваколатидан махрум қилишга уриниш эса самара бермади. Шундан сўнг А. Ортиқов матбуот анжуманини ўтказиб, депутатларнинг айбларини далиллар билан фош қилган.

* * *

АЛМАТИ

Оқмола ва Алмати шаҳарлари ўртасида илк бор "Боинг—737" русумли самолёт қатнай бошлади.

"Эйр Казахстан" компаниясининг президенти Р. Бекмуротов замонавий авиалайнер тақдимоти маросимида сўзга чиқиб, ушбу ҳодиса Қозоғистон самолётлари таркибини янгилашнинг дебочаси эканлигини таъкидлади.

* * *

АШГАБАД

Халқаро йўл федерацияси томонидан уюштирилган Буюк Ипак йўлини тиклаш бўйича халқаро анжуман ўз ишини якунлади. Унда мазкур лойиҳадан манфаатдор бўлган ўттиздан ортиқ мамлакат вакиллари қатнашди.

Анжуманда аср лойиҳасини амалга ошириш бўйича муайян ишлар режаси муҳокама қилинди. Жумладан; иштирокчилар Буюк Ипак йўли ҳақидаги материаллар жамланган ахборот банки яратиш ғоясини маъқуллашди. Унда тарихий маълумотлар билан бир қаторда мавжуд автомобил йўлларининг аҳволи ҳақидаги маълумотлар ҳам сақланади.

ДУШАНБА КУНИ... ҚОҚИЛМАНГ

ДУШАНБА оғир кун, дейишади. Ўртачирчиқ тумани ДАН ходимлари томонидан 1998 йил биринчи чорагида содир этилган йўл-транспорт ҳодисаларининг таҳлили шуни кўрсатдики, ўтган уч ой мобайнида фақат душанба кунлари энг кўп йўл ҳодисалари содир бўлибди. 6 та ҳалокат натижасида етти киши тан жароҳати олган. Энг яхши кун чоршанба кунидир. Бу куни атиги битта ҳодиса юз берган.

Соатлар ичида эса 18 дан 20 гача бўлган вақт нохуш келибди. Шу вақт ичида 7 та воқеа содир бўлиб, уч киши ҳалок бўлган, беш киши касалхонага ётқизилган. Энг тинч вақт эса 14 дан 16 гача ва 20 дан 22 гача бўлган дақиқалардир.

Йўл ҳодисаларининг кўпи Тошкент—Ўш йўналишида бўлиб, 14 тага етган, уч киши ҳалок бўлган, 13 киши жароҳатланган.

Энг тинч йўл Тўйтепа — Пскент ва Чирчиқ — Тўйтепа йўналишидаги оралиқ ҳисобланади.

Аслида йўл-транспорт ҳодисаларининг содир этилишига кунларнинг ҳам, соатларнинг ҳам даҳли йўқ. Ҳаммаси ўзимизга боғлиқ. Йўл ҳаракати қоидаларига амал қилиб юрсак, албатта, қоқилмаймиз.

Усмонали ҲАМИДОВ.

Божхона бекати

ХУШЁРЛИК ПОСБОНЛАРИ

ВИЛОЯТ божхона бошқармасининг бу маскани қўшни Тожикистон билан чегарадош ҳисобланади. Шу жиҳатнинг ўзиёқ бу жойдаги иш фаолиятининг нақадар масъулиятли эканлигидан далолат беради. Айнан шу "яширин" йўллар орқали таъқиқланган молларни олиб ўтишга уриниш ҳоллари учраб туради.

Яқинда "Ойбек" божхона маскани ходимлари томонидан юртимизга ноқонуний тарзда олиб кирилаётган катта миқдордаги юк тўхтатиб қолинди.

Айланма йўлдан келаётган "КаМАЗ" юк машинаси божхона кўригидан ўтказилганда, унга 40 бочка, жами саккиз тоннадан зиёд спирт, хорижда ишлаб чиқарилган 42 минг қути тамаки маҳсулотлари юкланганлиги аниқланди. Умумий қиймати салкам 7 миллион сўмлик бу молларни бекободлик М. Ф. исмли "тожир" ҳеч қандай ҳужжат ва тўловларсиз мамлакатимизга олиб кирмоқчи бўлган экан.

Шунингдек, иккита "КаМАЗ" автоуловига юкланган жами 40 тонна цемент ҳеч қандай ҳужжат ва тўловларсиз қўшни юртга олиб кетилаётганда ушланди.

Божхона нозирлари Х. Бердимуродов ва М. Маҳмудов одатдагидек ишдан кейин уйга қайтаётган эдилар. Уларнинг дала йўлидан ёлғиз кетаётган йигитга кўзлари тушди. Нозирлар бир-бирларига маъноли қараши-ю, тезда автобусдан тушдилар. Хуллас, божхоначиларнинг шубҳаси тўғри чиқди. Йўловчи йигит кўрикдан ўтказилганда, белига боғлаб олган тугунча ерга тушди. Целлофанга ўралган салкам бир килограммлик "матоҳ" текшириб кўрилганда, кучли таъсир этувчи гиёҳвандлик моддаси эканлиги аниқланди. Хўжандлик бу йигитнинг "оқ ажал"ни пуллаш мақсадидаги сафари шу ерда тўхтатилди. "Ҳожатбарор" айни кунларда қонун посбонларига бу юкни қаердан олганлиги ва кимга етказмоқчи бўлганлигини тушунтирмоқда.

Юқоридаги ҳолатлар Ойбек номли 11-божхона маскани (бошлиғи божхона хизмати подполковниги Абдурашид Шоматов) ходимлари иш фаолиятидан айрим лавҳалар, холос.

Ботир ҲУСАНБОЕВ.

ДИҚҚАТ, ЭШИТМАДИМ ДЕМАНГЛАР!

9 май куни соат 19.00да

"ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ" саройида

Сойиб Хўжаев номли хайрия вақфи, Ўзбекистон телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Маданият ишлари вазирлиги, "Нуроний" республика хайрия жамғармаси, "Ўзбекнаво" гастрол-концерт бирлашмаси, ТВБ, Муқимий номли Ўзбек Давлат мусиқали театри Хонобод шаҳар ҳокимлиги билан биргаликда

ФАҚАТ БИР КУН!!!

Ғалаба кунига бағишлаб

Оддий жангчи — кулги дарғаси, Ўзбекистон халқ артисти

СОЙИБ ХЎЖАЕВ

таваллудининг 90 йиллиги олдидан

ижодий — хайрия — кулги кечасини ўтказадилар.

ҚАТНАШАДИЛАР:

— Андижон, Қўқон, Фарғона, Марғилон қизиқчи-аскиячилари;

— Муқимий номли Ўзбек Давлат мусиқали театрининг ижодий жамоаси;

— Ўзбекистон халқ артисти **НАСИБА АБДУЛЛАЕВА**;

— "Қизиқчи" республика танлови ғолиблари ва совриндорлари:

ЎТКИР МУҲАММАДХЎЖАЕВ, ҲОЖИБОЙ ТОЖИБОЕВ, БОЛТАБОЙ ТОШМАТОВ, СОҲИБ МАМАСОЛИЕВ ва бошқа сўз усталари;

— Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист — **АЗИМ МУЛЛАХОНОВ;**

— Ҳамза номли Ўзбек Давлат Академик драма театри ижодий жамоаси;

— Ўзбекистон халқ артистлари СОЙИБ ХЎЖАЕВнинг суюкли шогирдлари **БАХТИЁР ИХТИЁРОВ, ҲУСАН ШАРИПОВ, АБДУҲОЛИҚ МАМАРАСУЛОВ;**

— бетакрор хананда: **ИЛҲОМ ФАРМОНОВ, ШУҲРАТ ҚАЮМОВ, САЛОҲИДДИН ТЎХТАСИНОВ, БАХТИЁР СУЛТОНОВ;**

— Ўзбекистон халқ ёзувчиси **ҲАМИД ҒУЛОМ;**

— Таниқли хонанда **МОВЛУДА АСАЛХЎЖАЕВА** ва **РАВШАН КОМИЛОВ;**

— "Сарбон" эстрада гуруҳи ва қатор бошқа Сиз таниган ва орзиқиб кутган санъаткорлар.

Саҳналаштирувчи режиссёр, Ўзбекистон халқ артисти

АБДУРАШИД РАҲИМОВ.

Кечадан тушган маблағ СОЙИБ ХЎЖАЕВ номини абадийлаштиришга ва хайрия жамғармасининг ривожиётига сарфланади.

КЕЧАНИНГ БОШ ҲОМИЙЛАРИ:
"ЎЗАВТОСАВДО" ассоциацияси ҳамда "ТОШКЕНТ-ЛАДА" акциядорлик жамияти.

Чипталар сарой кассаларида сотилмоқда.

Маълумот учун телефон:

45-92-51, 64-83-43, 64-84-93.

ВИЛОЯТ БИРИНЧИЛИГИ УЧУН

РЕСПУБЛИКА ёшларининг "Камолот" жамғармаси кубоги учун баскетбол бўйича ўтказилаётган саралаш ўйинлари ниҳоясига етай деб қолди. Айни кунларда ўқувчи ёшлар, талабалар, ишчи-хизматчилар билан бир қаторда милиция ходимлари ҳам вилоят биринчилигида иштирок этиш учун саралаш ўйинларини ўтказмоқдалар. Ана шундай мусобақа куни кеча Янгийўл шаҳридаги 5-ўрта мактабнинг спорт залида бўлиб ўтди.

Бу ерда кўп сонли ишқибозлар кўзи ўнгида милиция ходимлари баскетбол бўйича ўз маҳоратларини намойиш этдилар. Юқоричирчиқ, Оққўрғон, Янгийўл шаҳри ҳаваскор спортчилари ҳам ўзаро куч синашдилар.

Янгийўл шаҳри осойишталик посбонлари биринчиликни эгаллаб, вилоят мусобақаларида қатнашиш имконига эга бўлдилар. Мусобақа ғолибларига эсдалик совғалари топширилди.

Жўра МАҲМУДОВ.

КЎЗ ТЕГМАСИН

КУНИ КЕЧА бешинчи лига жамоалари еттинчи миллий чемпионатнинг биринчи тур учрашувларини ўтказдилар. Чирчиқ шаҳрининг "Кимёгар" жамоаси Кувасойда "Цементчи"га қарши майдонга тушиб, 0:1 ҳисобида устун келдилар. Беш турда ҳам фақат ғалабани кўзлаган вакилларимиз турнир жадвалида тўплар нисбатига кўра "Янгиер" жамоасидан кейинги ўринни банд этишди.

"Лочин" Фарғонада "Тўқимачи" жамоаси билан дуранг (2:2) ўйнаган бўлса, қибрайликлар Шаҳрихонда — "Шаҳрихон"дан 3:2 ҳисобида мағлубиятга учрадилар.

Бешинчи турнинг қолган учрашувларида қуйидаги рақамлар қайд этилди:

"Самарқанд" — "Қизилқум" — 1:0
"Чилонзор" — "Машъал" — 1:2
"Атласчи" — "Истиқлол" — 1:2
"Ситора" — "Хива" — 3:2
"Орол" — "Урганч" — 1:1
"Янгиер" — "Шўрчи" — 4:0
"Гулистон" — "Шўртан" — 1:2

БЕШИНЧИ ТУРДАН КЕЙИНГИ ВАЗИЯТ:

	Ў	Ю	Д	М	Т-Н	О
1. "Янгиер"	**5**	**5**	**0**	**0**	**17-0**	**15**
2. "Кимёгар"	**5**	**5**	**0**	**0**	**11-0**	**15**
3. "Самарқанд"	5	4	1	0	13-3	13
4. "Шўртан"	5	3	1	1	11-7	10
5. "Истиқлол"	5	3	1	1	12-9	10
6. "Хива"	5	3	0	2	6-4	9
7. "Шўрчи"	5	3	0	2	7-6	9
8. "Тўқимачи"	5	2	1	2	8-8	7
9. "Шаҳрихон"	5	2	1	2	7-7	7
10. "Машъал"	5	2	1	2	7-8	7
11. "Лочин"	5	2	1	2	6-10	7
12."Орол"	5	2	1	2	6-10	7
13. "Қизилқум"	5	2	0	2	4-5	6
14. "Ситора"	5	2	0	3	6-8	6
15. "Урганч"	5	1	2	2	6-9	5
16. "Роҳат"	5	1	1	3	6-8	4
17. "Цементчи"	5	1	1	3	5-11	4
18. "Атласчи"	5	1	0	4	6-12	3
19. "Гулистон"	**5**	**0**	**0**	**5**	**2-11**	**0**
20. "Чилонзор"	**5**	**0**	**0**	**5**	**5-15**	**0**

Абдулазиз РАИМОВ,
"Тошкент ҳақиқати"нинг спорт шарҳловчиси.

FUTBOL BO'YICHA O'ZBEKISTON MILLIY CHEMPIONATI • 1998 •

"КИМЁГАР" — ЧЕМПИОН

КУНИ КЕЧА Чирчиқ шаҳрида мини-футбол бўйича олий лига жамоаларининг тайёрлов гуруҳлари ўртасида 1-республика мусобақалари бўлиб ўтди. Деярли бир ҳафта давомида етти жамоа икки гуруҳга бўлиниб, куч синашди.

1-гуруҳ: Р. Мадаминов (Хива тумани), "Машъал" (Муборак), "Шарқ" (Тошкент шаҳри), **("Лочин" жамоаси айрим сабабларга кўра мусобақада иштирок этолмади).**

2-гуруҳ: "Турон—С" (Андижон), "Кимёгар" (Чирчиқ), "Термо" (Самарқанд), "Темирйўлчи" (Қарши).

Учрашув охирида вакилларимиз — "Кимёгар" ўйинчилари Р. Мадаминов жамоаси билан учрашиб, 4:1 ҳисобида устун келдилар ва мини-футбол бўйича республиканинг биринчи чемпиони деган номга сазовор бўлишди. Энди чирчиқликлар 12—24 июнь кунлари Тожикистоннинг Хўжанд шаҳрида ўтказиладиган халқаро турнирда юртимиз шарафини ҳимоя қиладилар.

ҲОЗИРЧА БОКУДА...

БОШ МУРАББИЙ У. Да-Сильва бошчилигидаги миллий терма жамоамиз кеча Озарбайжон миллий терма жамоаси билан ўртоқлик учрашувини ўтказди. Бокуга учиш олдидан терма жамоанинг бу йилги режалари ҳақидаги саволимизга бразилиялик мураббий қуйидагича жавоб берди:

— 1998 йилнинг энг асосий мусобақаси декабрь ойида Таиландда бўлиб ўтадиган XIII Осиё ўйинларидир. Биз унда аввалги ўйинлар чемпиони сифатида иштирок этамиз. Демак, йигитларимизнинг "совиган" пайти айнан ўша даврга мос тушиши лозим. Халқаро учрашувларни ҳам шунга кўра режалаштирганмиз. Бокуда ҳамкасбларимиз билан Тошкентда бўлиб ўтадиган жавоб учрашувини келишиб оламиз. 4—6 июнь кунлари Руминия пойтахти Бухарестда миллий терма жамоалар иштирокидаги халқаро "Голстар" турнирида қатнашамиз. 7—9 июль кунлари эса Хитой мамлакатига сафар қиламиз. Яна Токио, Сеул ва Тошкентда Япония ҳамда Корея терма жамоалари билан майдонга тушамиз. Ҳозирги кунда учрашувларнинг аниқ муддатлари келишилмоқда.

Об-ҳаво

РЕСПУБЛИКА об-ҳавони кузатиш бош бошқармасининг хабарига қараганда, 26-29 апрель кунлари пойтахтимиз ва Тошкент вилоятида об-ҳаво ўзгариб туради. Баъзи туманларда қисқа муддатли момақалдироқ бўлиб, ёмғир ёғиши ва сел келиши мумкин.

Ҳарорат кечалари 6-11, кундуз кунлари 14-19 даража атрофида иссиқ бўлади. Ҳафтанинг охирига бориб, ҳаво ҳарорати кўтарилади. Кечалари 9-14, кундуз кунлари эса 22-28 даражага етади.

Тошкент вилояти "Автомотоҳаваскорлар" кўнгилли жамиятига қарашли
1. Паркент тумани
2. Қибрай тумани
3. Қуйичирчиқ тумани
4. Штамп "ТЎЛАНДИ"
мухри йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Тошкент шаҳар Собир Раҳимов туманидаги Себзор даҳасида 3 хонали уй
СОТИЛАДИ.
ТЕЛ: 40-32-14.

Акмал Икромов туманидаги И.Власов номли 229-ўрта мактаб томонидан Якупов Алчин Аблизович номига берилган 472302 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

ТОШКЕНТ ҲАКИКАТИ • TOSHKENT HAQIQATI

Муассис: **ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ**

Бош муҳаррир **Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ**

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар: *хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48* *Эълонлар: 133-99-15, 136-57-27.*

• Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №8. Буюртма Г-011122. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. *Саҳифаловчи: Музаффар ҚЎЧҚОРОВ.* Адади 16.362 нусха.

"**Шарқ**" нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи: 64672. Босишга топшириш вақти – 20.30. Босишга топширилди – 18.00. 1 2 3 4 5 6